

84(5ТУРК)
М 32

МАХТУМҚУЛИ

БОДИ САБОНИ
КҮРСАМ



CH0000033793

ЎЗБЕКНИНГ “ТУРКМАН ШОИРИ”

Туркман шоири ва мутафикарии Махтумкули 1733 ишлда Туркманистоннинг жануби-гарб толонида, Атрак дарёсига яқин Хожиговин өдеган жойда Давлатмамад оиласида туғилган. Унинг отаси «Озодий» таҳаллуси билан күшиқ ва газаллар ёзган. Махтумкули дистрайф овул мактабидаги сунг Хисба, Бухоро ва Андижон мадрасаларида уқигани. Озарбаён, Эрон, Афғонистон, Хиндустонга саёҳат қилган. Бизнечча «мардлик кўйичиси» деб ном олган Махтумкулининг лирик, фалсафии ва насиҳат характеридаги 20 минг мисрага яқин шеърлари этиб келган. Масалан, «Бўлмас», «Келгай», «Ёнгир ёғдир, султоним», «Напланн», «Куринг», «Етмас» ва бошқалар. Шоирнинг таҳаллусларидан бирни «Фирогий» бўлган.

Халқ тарихи, адабиётни ва хаётини чукур билган бу донишманд инсон тераған фикрларни ҳалқона содда ва лўнда бир тарзда шеърий мисраларга тизади. Бу шеърлар халқ донолигининг ёрқин намунасидир.

Ҳамидулла Ҳасанов ёзди: «Махтумкули Фирогий ниҳоятда зўр, таъсирли, ҳалқка ёқадиган, туркманга ҳам, ўзбекка ҳам ўз тилидек тушуниладиган шеърлари билан бутун Шарққа машҳурдир. Унинг асарларини Сурияда ҳам, Ироқда ҳам, Туркия ва Эронда ҳам, Афғонистон ва ҳамто узоқ Арабистонда ҳам туркманлар фахр билан кўйлаидилар. Афғонистонда бир кекса туркман баҳиси борлигини эшилдим, у Махтумкули шеърларини маҳорат билан ижро этишида ном чиқаргани учун ўзини «Махтумчий» дер экан».

Махтумкули шеърлари Жуманиёз Шарипов, Жуманиёз Жабборов, Музаффар Аҳмедов, Мирзо Кенжабек таржималарида ўзбек тилида бир неча марта чон этилаган, турли мажмуя ва дарсликларга киритилган.

Ж.Шарипов, С.Эркинов, К.Тоҳиров, К.Курамбоеев, С.Кориев, М.Кенжабек, Б.Каримовлар у ёки бу даражада шоир ижоди хусусида таидиқотлар олиб борганилар.

Бўхоролик олим ва шоир Муҳаммад Азим таржимасида китобхонлар ҳукмига ҳавола этилаётган Махтумкули асарларидан намуналар ўзбек маҳтумкулихоналигидағи ижодий уринишлардан бирни бўлиб, Шарқ шеърияти ихлосмандларига манзур бўлади, өдеган умиддамиз.

БИР ИШГА УЛАШДИ

Тенгим-түпим мард йигитлар
Хар ким бир ишга улашди.
Хақ ҳар кимга бир йүл берди,
Хар ким бир бурчни талашиди.

Кимлар кирди ҳақ йўлига,
Яхшилик тушди феълига,
Ким қилич олди қўлига,
Солди, ислом йўлин очди.

Нор-бедовли беклар, хонлар,
Отланса, тўлар майдонлар,
Кечди дара, тўқди қонлар,
Қочоқлар бошидан кечди.

Биз истадик улуғ ёрон,
Қисмат бизни қилди ҳайрон,
Ким кетди Эрон, ким Турон,
Ким Исфахон, Табриз ошиди.

Ҳаққа аён бўлди ҳолим,
Халқда билган бўлмас маълум,
Махтумқули, менинг йўлим,
У дўстлардан айро тушди.

ЭЛДАН УЯЛМОҚ

Оники азалман, сўнам, мен сенга,
На алаб-аркон бор, элдан уялмоқ.
Илтифот этмадинг ҳаргиз сен менга,
Айламас бу ишини бир қора қалмоқ.

Менингдай ишқингда кўплар сен ёрнинг,
Кундуз гирифтординг, кечалар зоринг,
Умрим паймолингдир, жоним нисоринг,
Бўлсайди васлингта бир чора қилмоқ.

Лгарки ҳеч эсам, сонга келарман,
Хушк устихон эсам, қонга келарман,
Мурдайи-сад эсам, жонга келарман,
Бўлсайди базм ичра бир ёлга солмоқ.

Охим шароридан ўйингоҳ ўтлар,
Бордилар ларгўҳга айлаюб додлар,
Эрили, об ўлди жумла жамодлар,
Бундан ортиқ борми ҳеч бундай бўлмоқ.

Бандангман, гар десанг: “Нон берам олса”,
Мудом мухтоҗингман, кон берам олса,
Гар завки висолинг жон берам олса,
Яраннап Фироққа жон бериб олмоқ.



УЧДИМ, ЁРОНЛАР

Бир жума кечаси күрдим түшимдә,
Бол уриб, күкларга учдим, ёронлар.
Парвоз айлаб, сайрон этдим дүнёни,
Бир ободон жойта түшдим, ёронлар.

Қақашонга чиқиб турли самарлар,
Минг турли мевалар, хуррам шажарлар,
Норинжи, турунжи, лаймун, олмалар,
Бир ободон бокқа түшдим, ёронлар.

Очилишипdir анда ранг-баранг гуллар,
Шўриши-у ағғонда, шайдо булбуллар,
Мармардек ҳовузли, кавсардек сувлар,
Тахайюр¹ айлабон, жўшдим ёронлар.

Ул қора боғликда күрдим бир чаман,
Ажойиб мажлисин күрдим анжуман.
Давра кириб күрдим, ўтириши чилтан,
Салом бериб, қулин қучдим, ёронлар.

Ҳамма овоз айлаб, "Алик" айдилар,
Илпорат айлабон "Ўтила" дедилар.
Давра қуриб, жомга шароб қуйдилар,
Менга етгач қўлим очдим, ёронлар.

Билмадим, кўпми ё менга оз берди,
Ўзга олам, бошқа бир овоз берди.
Ишқ олди кўнглимни, тилга сўз берди,
Оёқдан-оёққа түшдим, ёронлар.

¹ Тахайюр - хайратланиш

Махтумқули, хүшөр ўлдим, уйғондим,
Уйғондим, ўртандим, тутаңдим, ёндим,
Маъни бозориңда ҳайёт²га дүндим,
Шириң ғазал түнин бичдим, ёронлар.

БОДИ САБОНИ КҮРСАМ

Дәхистоннинг бағрида
Боди сабони күрсам.
Баҳоуллин, Мирқулол,
Зангги Бобони күрсам.

Наълини³ аршпа тоғжидир,
Оти оламта фошидир,
Икки жаҳон муҳтоҗдир,
Араб зебони күрсам.

Келган кетар шашит этиб,
Йигла намоз гузашит этиб,
Қўнгил айтар гашт этиб,
Оlam жаҳонни күрсам.

Хизр каби чўлларда,
Ғаввос каби кўлларда,
Илёс каби тогларда,
Яхши-ёмонни күрсам.

Тепада Ҳиндистонни,
Орқада Туркистонни,

² Ҳайёт - тикувчи

³ Наъл - тақа

Авлиёлар уммоны
Ул Румистонни күрсам.

Жон телба, жаҳон шайдо,
Бундан ҳеч йўқдир фойда,
Етти тог, етти дайро -
Далли дунёни күрсам.

Махтумқули хуши бўлса,
Оқса дийдам, ёш бўлса,
Имоним йўлдоши бўлса,
Борсам, Каъбани күрсам.

ҚУМЛИ ЧИҚИБДИР

Ҳақ таоло, бу не, нечук аҳволдир,
Тиник деб ичганим қумли чиқибдир.
Не асар бехуда шум-каж иқболдир,
Ҳалол деб еганим жимли чиқибдир.

Кимса сирин билмас ўзин ўлдирса,
Факир бандаларга Тангри билдирса,
Элни шодлик, шодиёнлик кулдирса,
Менга ҳамроҳ бўлган гамли чиқибдир.

Омухтамен ўрганмоққа, куймоққа,
Кипи йўқ сўзлашиб, дардим йўймоққа,
Қишилок аро юрдим бир ўй сурмоққа,
Ё лолдир, ё оғзи мумли чиқибдир.

Мендан гина қилас құлым керганим,
Ғалвирдан хүшк чиқар сирим берганим,
Факир деб пойига бошим урганим,
Ер төңтанды дағдан дамли чиқибди.

Махгумқули, ҳисоби йүқ құрганим,
Таъма тутиб, умид құлин керганим,
Қишлоғига одам дея борганим,
Шайтон каби шохли, думли чиқибди.

“ТУРГИЛ” ДЕДИЛАР

(ТУШ)

Бир кеча ёгардим, туннинг ярмида,
Түрт чавандоз келиб: “Турғил!” дедилар.
“Хабар берамиз сенга фурсат жойида,
Ул ерда әрлар бор, құргил” дедилар.

Назарим етишігач ул түрт мардонга,
Құнгалим жүшіга келди, бонним гардонга,
Шу вактда бор эди икки девона:
“Турма, үғлон, анда борғил!” дедилар.

Шу икки девона тутди құлымдан,
Олибон кетдилар турған еримдан,
Бир ишорат бұлли аннинг биридан:
“Сайронда борибон турғил!” дедилар.

Үлтирувдик, келди икки пирзода,
Күзидан ёш окар, тили дуода,
“Ху-Ҳақ!” дебон чиқди олти пиёда,
“Одам энди келар, құргил!” дедилар.

Тұрт чавандоз келди, бари сабзабоз,
Асолари яшил, оти таблабоз,
“Мажлис ҳалқасини қурманг бундай оз,
Одам күпдир, кептрок қурғил!” дедилар.

Тапқан чиқди, олтмиш отлиқ күрдилар,
“Мұхаммад!” деб тамом қарши юрдилар,
Соғылек-саломатлик бир-бир сұрдилар,
“Турманг, улут жойга юргил!” дедилар.

Бир отнинг ортига мени бердилар,
Сайронда бир жойга бориб турдилар,
Тамом ұлтирилар, мажлис қурадилар,
“Үглон, манга оро киргил!” дедилар.

“Алидир” дедилар түгdi дастимдан,
Бүйро тұшагимни олди остидан,
Мен билмадым, бир зот⁴ қуиди устимдан,
“Йәлиққан даврондир, сурғил!” дедилар.

Хайдардан⁵ сұрадым барин отма-от,
“Хазрати пайғамбар улдир, бұлма ёт,
Ул Салим хожадир, Ул Бобо зурёд,
Ул Вайс ал Қарандир, билгил!” дедилар.

“Пир Баҳоулдин, ул ҳам бир эрдир,-
Бири Зангти Бобо ул ҳам номдордир,
Суянишиб турған түрт чориёрлир,
“Мақсадинг не бұлса, айтғил!” ледилар.

⁴ Бир зот – бир нарса

⁵ Хайдар – Ҳазрат Алининг лақабы

Шу вақтда турған икки шайхи-шоф⁶,
“Бұ үғлонға фотиҳа беринг, - дели, - соғ,
Юз йигирма түрт минг анбиё, асҳоб,
Бариси шулардир, билгил!” дедилар.

Расулуллох айтди: “Е, Шоҳимардон,
Лё, Салим хожа, ё Бобо Салмон,
Абу Бакр, Сиддик, ё Умар, Усмон,
Бу құлнинг мақсадин бергил!” дедилар.

Салим, Бобо Салмон буюрди мардга,
Ниёлани тутиб, солдилар лардга,
Кетди ақл-у хүниим, ётдим ул ерда,
“Аршда, фаршда не бор, күргил!” дедилар.

Ел бўлдим, югурдим ер томирига,
Назарим тўқинди Арш камарига,
“Жабарут оламида Жалил сирига,
Келиб, ўзинг қараб кўргил!” дедилар.

Неки хаёл қиласам, қўлга киритдим,
Қайга боқсам, унга назар етирдим.
Бу ҳол билан фароғатда ётардим,
Юзимга тушуриб, “Турғул!” дедилар.

Расулуллох айтди: “Асҳоблар юринг,
Үғлонни қузатиб, фотиҳа беринг, -
Буюрди тўрт отликқа: “Элтиб тоширинг,
Келтирган жойингта қўйгил!”- дедилар.

⁶ Шайхи шоф – шифо берувчи шайх

Туриб, Махтумқули күзин очибди,
Бошига не күйлар келиб-кетибди,
Хира нордек оқ күпиклар сочибди,
“Үғлон, Аллоҳ ёринг, боргил!” дедилар.

КАРАМ ИСТАРМАН

Аввал бошда қодир Аллоҳ,
Сендан бир карам истарман.
Бодомқовоқ, олма ёнок,
Бир зебо санам истарман.

Тангри бермаса нетай,
Бош олиб қай томон кетай?
Үтириб туриши адоли
Қошлари қалам истарман.

Үзига ҳурмат келтирган,
Эрининг хизматин битирган,
Қошини читмай үтирган,
Манглайи кулган⁷ истарман.

Йигирма ёш үтди мендан,
Хазл этмадим дунё сендан,
Тили ширин, лаби хандон,
Қучоққа олган истарман.

Фирогий, келдим жаҳонга,
Бир ёр бергил ақли доно,

⁷ Манглайи кулган – пешонаси ярқироқ

Түшдим сүз билмас нодонга,
Бир қадрим билган истарман.

САДО БҮЛДИМ

Сандувоч-у сармастам, бергимдан жудо бүлдим,
Баргимни хазон олди, бесавту садо бүлдим.
Бир гулчехра йўлида беҳуда фидо бүлдим,
Бад ишларга бой бүлдим, хайр ишга гадо бүлдим,
Фурқат, вуслат, ҳар неки аслин аз Ҳудо билдим,
Барчани бедор кўрдим, ўзим уйқуда билдим,
Дунёга тура келган, тўхтамай кета билдим,
Еганим ови сандим, кийганим ридо билдим,
Куйдим, пишлим, ёр-дўстлар, ўргандим, адо бүлдим.

Ёронлар, йўлдош бүлдим нафси ҳаво золимга,
Кийикдек қочар, бормас, насиҳатгўй олимга,
Саркашилигин субҳонга майшхур этди оламга,
Мен нетайин, ё, дўстлар, уғурсиз иқболимга,
Қўймади ўз ҳолимга, юарга мажолимга,
Не қозончу қувончим, не хушвақтлик маълумга,
Туб миқдорига ўтмас бу жаҳон хаёлимга,
Билмам, олам не кўйда, мен ҳайрон ўз ҳолимга,
Куйдим, пишлим, ёр-дўстлар, ўргандим, адо бүлдим.

Жаҳл ишига чопарман, Аллоҳ амрига сустор,
Ғарқи залолат бўлдим, ҳидоятни сен гўстор,
На дарвешман, на мулла, на сўфи - аҳли дастор,
Қардошлар қулоқ берса, айтсан сўзимни растор,
Фикр айланг, ким бордир Эгамдан ўзга дўстдор?

Бандалиқда бўлмасанг, бўлганинг яхши нистор,
Кўрмадим кун остида ҳаргиз ўзимдан пастор,
Оташга лойик бўлмас адо бўлган хокисор,
Куйдим, пишдим, ёр-дўстлар, ўргандим, адо бўлдим.

Тобеларга Сулаймон гар сурса сад сиёсат,
Келса парилар шохи Оқтемиру Жониўлат,
Юз минг девга бош бўлган дев тўраси Темирбат,
Магас шохи Турттарус ҳамроҳлик этса, хайҳот,
Мур малаги Мунзара келса беҳад, бағоят,
Мусо нур қўлин очиб, Исо ўқиб юз оят,
Хизр дуо айласа, Илёс этса муножот,
Мундоғ мурда жасадга маҳалдир топмоқ нажот,
Куйдим, пишдим, ёр-дўстлар, ўргандим, адо бўлдим.

Махтумқули, мискинман, кўнгил уйи не маъмур,
Сўзга яқин бандаман, хайрим кам-у, шаърим зўр,
Ўзим халққа на қобил, иқболим кеч, баҳтим шўр,
На шоистга аъмолим, кўйга қадам урап кўр,
Магар Эгам истаса, бўлгай нури оқ-ла нур,
Тир тарфатил – айнда тушиган булиб маҳжур,
Бадқилиқ бирла бўлдим жаҳон ичида машҳур,
Тегирмондек бангирман, самандардек оташхўр,
Куйдим, пишдим, ёр-дўстлар, ўргандим, адо бўлдим.



БАГРИМ ТИЛГАНИМ

Дардли дилбар, дарлапарсан, кел бери!
Ёлғизикдир менинг ҳам бағрим тиљоним.
Сураюман, мен ҳам сендеқ бир ярим,
Сени сұрамоқда йүқдир ёлғоним.

Агар көнгаш солсам ёғта, таништа,
Дерлар: "Шириң, асал ёғта келишіңга",
Сахар Ѽзлигім чун тұрсын нолишта,
Аввал бир ёр бұлар ёдға солғоним.

Билған вақтда үхшар киммат дурға сен,
Танимаста тушиб, тегма ерга сен,
Қодир қисмат этса, менга тегасен,
Сениңг каби ёрдир менинг үлганим.

Хар дилбарким, күнгілім уйин ёритар,
Ёттан баҳтим ул Яраттан юритар,
Қарғашым тошларни мұмдек эритар,
Пұр-пұрдек яйратар олқыш қылғаним.

Гүзәл күркінг құқда күндек айинмас,
Гулни, дасонбилини ҳидлаб түйинмас,
Махтумқули, бош бермаса бойинмас,
Меҳримин ағдариб, назар солғаним.



КҮРДИНГМИ?

Ёғду солиб кетар зулмат тунида,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!
Баҳор айёмида, наврӯз кунида
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Лиқосифат туриб: “Ху!” деб қолган қуши,
Кечаси тириқдир, кундузи беҳуши.
Ридоли, жандали эгни хирқапӯши,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Қон қилибди фалак багрим фироқда,
Алмудом кезарман ёр деб суроқда,
Кальба атрофида, Шомда, Ироқда
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Румда, Қинчоқда, Чинда-Мочинда,
Замоил ўриница, аршининг ичинда,
Иқлим теграсида, фалак буржинда,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Ошиқлар оҳида, Қулзум даврида⁸,
Куббатул-исломда⁹, Жайхун баҳрида,
Сидра¹⁰ саҳросида, Исо шаҳрида¹¹
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

⁸ Касий этапида

⁹ Бухоро

¹⁰ Сидра – Сидратул муттаҳо, моддий оламнинг интиҳоси, илоҳий оламнинг ибтидоси

¹¹ Тўргинчи осмон

Ҳазрат Али эттач оламга даъво,
Қоғдан Қоба тушди ҳазратнинг чови,
Ё, иқлим эгаси, Аҳмад Яссавий
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Маскан тутмиш кора тоғнинг бурнида,
Алининг мулкида, Исо ўрнида,
Ернинг орқасида, кўкнинг қорнида
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Махтумқули, чекар ёрнинг ғамини,
Кезиб, тона билмас рўйи-заминни,
Ё, поми Жаброил – Ҳақнинг амини,
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

Маскан тутмиш қора тоғнинг бурнида,
Алининг мулкида, Исо ўрнида
Ернинг орқасида, кўкнинг қорнида
Менинг соҳибжамолимни кўрдингми?!

НИМАСАН?

Асли сени кўрмаганман, дилдорим!
Қумримисан, булбулмисан, нимасан?!

Ғамгин кўнглим хаёлинг-ла алдарам,
Боғ ичида гулгунимисан, нимасан?!

Қораҷами, ё сайдми, хўжами,
Ё соқийми, ё шаробми, ё жомми?
Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,
Ё оймисан, ё кунмисан, нимасан?!

Ё мушкмисан, ё кокунор, анбарми,
Айта билмам, ё чархмисан, чанбарми,
Ё дарёми, мавжмисан, ланбарми,
Ё гирдобми, ё бурғинми, нимасан?!

Олтингмисан, кумушмисан, зармисан,
Ё аришмисан, ё курсими, ермисан,
Ё ёқутми, ё маржонми, дурмисан,
Ё чироқми, ё равшанми, нимасан?!

Махтумқули, кеч номусдан, орингдан,
Құл құтарғил бу вафосиз корингдан,
Жаҳон тұла, сен ғофилсан ёрингдан,
Май-мастмисан, ё шайдоми, нимасан?!

БУ ДАРДНИ...

Гашт айладим, кездим ишқнинг дөгінда,
Не балодир, кимса чекар бу дардни.
Ишқ дөгін оссалар күкнинг бүйніга,
Күк титрайли, торта билмас бу дардни.

Ишқ асар этмаса, ёнмас чироглар,
Ишқи түпса бүри иннірар, қүш йиглар,
Әгилар ҳайбатли, қувватли тоғлар,
Тошлиар зриб, торта билмас бу дардни.

Ким бор ишқнинг юкин тортар мардона,
Фалак күрди, құрқиб түшди гардона,
Замин жунбуш қилиб, келди ларзона,
Дала, тузлар торта билмас бу дардни.

Беҳишт қочиб чиқмиш Аршининг уйига,
Тамуғ қўрқиб, кетмиши ернинг тагига,
Қочди дарё, Одам олди бўйнига,
Тўрт юз йиллаб торга билмас бу дардни.

Махтумқули, тортсанг дарди тұғундан,
Осий бўлиб, гина этма бу қундан,
Бу ўлмак, айрилмак қолгандин Ундан¹²,
Падар бизга мерос қўймиш бу лардни.

ҚОШИ ЁЙ

Бир дилбарга дуч келдим, ғамзаси ўқ, қопи ёй,
Кун ҳайрондир кўркидан, хижолатда тўлин ой.

Жоининг берсанг жоиздир, бундай сифат маҳбубга,
Ҳеч кўрмадим анингдек боши тўғри, бўйни той.

Ғулгула тушибди қўбизга тушибди чанги чангта,
Чанг шавқидан ул нигор не нолага тушибди най.

Не ишратдир ошиққа жаннат ичра жамоли,
Лайрилиқнинг оташи дўзах ичра вайлувой.

Ул дийдайи дилдордан бўлмагайсен бебаҳра,
Қолмагайсен менингдек ақли озу кўркка бой.

Истаса олимларни шайтон қиласр ул дилбар,
Хоҳлаганга Халининг ўғлонига берар пой.

¹² Ундан – Одам Атолан

Махгумқули мудомо дуо қиласар даргохга,
Соилмен, маҳрум этма даргоҳингдан, ё Ҳудой!

ҲАР ЁНГА

Ёрсизликдан ёмон иш ийүк,
Күз солиб күрсам ҳар ёна.
Ё, Яратган, бир ёр бергил,
Күп мاشаққат тегди жона.

Бир ёр бергил этли-қонли,
Күнгли кенг, күкси майдонли,
Тил билган, ақли камолли,
Юзи ҳам бўлсин кўркона.

Қадр билганни дошт этма,
Ноқадрга йўлдош этма,
Тил билмасни тилдош этма,
Соддатил бўлсин – туркона.

Караминг кучлидир, кўргил,
Дерсан: “Дуо кил, кўл кергил”,
Неки берсанг, тезроқ бергил,
Эътибор йўқдир бу жонга.

Бўйи узун – паст бўлмасин,
Ҳаддан ортиқ маст бўлмасин,
Ақлсиз, нокас бўлмасин,
Соддадил бўлсин – туркона.

Яхши аёл элдан қолмас,
Нодон яхши қадрин билмас,
Лёлсизда мадор бўлмас,
Дўнсанг ҳукми Сулаймона.

Дарвешларга йўлсизликни,
Йигитларга молсизликни,
Илоҳо аёлсизликни
Кўрсатма ҳеч мусулмона.

Махтумкули, куйсам, пиисам,
Инонмаслар ўтга тупсам,
Хавасим бор, бир киз қучсам,
Десам сўзимни аркона¹³.

ЁР БИЗИМ САРИ

Кулзумни¹⁴ қир билиб қирқ йўл кечарман,
Агарки майл этса ёр бизим сари.
Қадамлабмас қанот боғлаб учарман,
Деса дилбар: “Ошиқ, юр бизим сари”.

Қирқ йил қўл қовшириб, хизматда турсам,
Олти кунча кўрмай олтминн йил юрсам,
Шунчалик бўлсаки, кўрсам, жон берсам,
Жамолин кўрсатса ёр бизим сари.

Не лойиқли юзим бордир тутарга,
Не ўзга эшик бор андин кетарга,

¹³ Аркона – саройга хос

¹⁴ Кулзум - Каспий денгизи

Умидим бор, құймай бало-баттарга,
Даргоҳидан очса дар бизим сари.

Бир кимса йүлиқди ласти шаробли,
Елдан жойнамозли, сувдан меҳробли,
Эгни оқ ридоли, яшил никобли,
Бурилди бир ажаб эр бизим сари.

Йұлдош бўлиб бирга юрдим бир майдон,
Майдон ичра тўлиб ўтируши мардон,
Бир айвон устида чорлаб тўрт ердан,
Дедилар: “Қўлингни бер бизим сари”.

“Фирогий!” деб чакирдилар, элтдилар,
“Қайдайлинг?” деб қулогимдан тутдилар,
Устихоним олтминиң нора этдилар,
Дедилар: “Мард бўлсанг тур бизим сари”.

Махтумқули, беш кун ишрат суришга,
Жой әмасдир иккиланиб туришга,
Қарорим йўқ ўтиришга, туришга,
Оғзин очиб турмиш ер бизим сари.

ҚОЛИБМАН

Жоҳилликнинг дуди чиқди бошнимдан,
Мен ул дуддан холи бўлиб қолибман.
Бир ғамга илашдим, кетдим ҳуннимдан,
Бу лард ила тўлиқ бўлиб қолибман.

Бошим юз ҳавасда, кўнглим жўпқинда,
Гирдобга тупибман бебош тошқинда,
Нажд тогила юрган Мажнун ишқинда
Ёнар ўтли Лайли бўлиб қолибман.

Йигитлик фаслини қишига улотдим,
Комиллик кемасин дарёга отдим,
Оғир ўйга ботдим, ақлим йўқотдим,
Тирик эркан ўлик бўлиб қолибман.

Бу дунёни кўчиб юрган кўч билдим,
Ишини бад англаб, ўзин пуч билдим,
Ўнгин ўйин кўрдим, сўнгин ҳеч билдим,
Эл ичида далли бўлиб қолибман.

Махтумқули, фош айлагил сўзингни,
Фалак мушти хок этмасдан кўзингни,
Бу вакттacha ёш билардинг ўзингни
Эмди кўр, бок, ули¹⁵ бўлиб қолибман.

¹⁵ Ули -- улут, катта

ҮГЛИМ – ОЗОДИМ

Озодий:

Фош айла сиринги сақлама пинҳон,
Аммоки, сўзимдан чиқмагил, ўғлим!
Кунда юз кўй келиб-кетар бу бошга,
Огритма, кўнглимини йиқмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Уялардим, сиримни фош этмасдим,
Фош қиласман, хабар олсанг, Озодим!
Юз кўй келиб-кетар хар кун бу бошга,
Истагим бор, сафар қилсак, Озодим!

Озодий:

Жафо урма ўзинг, чақир мавлонни,
Орзулама хонни, бекни, сultonни,
Басдир бизга аввал Тангри бергони,
Олдирма кўнглингни, кетмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Биз кетмадик олди билан, бош билан,
Сайр айласак неча тенгу-тӯш билан,
Магар шунда гамгин кўнглим хуш бўлар,
Кўнгил қалқар, қарор этмас, Озодим!

Озодий:

Хунаринг йўқ, ёпсан, кета билмассан,
Дунё шовқин-сурон чидаб билмассан,

ҚОЛИБМАН

Жоҳилликнинг дуди чиқди боштимдан,
Мен ул дулдан холи бўлиб қолибман.
Бир ғамга илашдим, кетдим хуштимдан,
Бу дард ила тўлиқ бўлиб қолибман.

Бошим юз ҳавасда, кўнглим жўнқинда,
Гирдобга тушибман бебош тошқинда,
Нажд тогила юрган Мажнун ишқинда
Ёнар ўгли Лайли бўлиб қолибман.

Йигитлик фаслини қишига улотдим,
Комиллик кемасин дарёга отдим,
Оғир ўйга ботдим, ақлим йўқотдим,
Тирик эркан ўлик бўлиб қолибман.

Бу дунёни кўчиб юрган кўч билдим,
Ишини бад англаб, ўзин пуч билдим,
Ўнгин ўйин кўрдим, сўнгин ҳеч билдим,
Эл ичида далли бўлиб қолибман.

Махтумқули, фоци айлагил сўзингни,
Фалак мунити хок этмасдан кўзинитни,
Бу вақттacha ёни билардинг ўзингни
Эмди кўр, бок, ули¹⁵ бўлиб қолибман.

¹⁵ Ули -- улуғ, катта

ҮГЛИМ – ОЗОДИМ

Озодий:

Фош айла сиришни сақлама пинҳон,
Аммоки, сўзимдан чиқмагил, ўғлим!
Кунда юз кўй келиб-кетар бу бошга,
Огригма, кўнглимини ийқмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Уялардим, сиримни фон этмасдим,
Фош қиласман, хабар олсанг, Озодим!
Юз кўй келиб-кетар ҳар кун бу бошга,
Истагим бор, сафар қилсак, Озодим!

Озодий:

Жафо урма ўзинг, чақир мавлонни,
ОРзулама хонни, бекни, султонни,
Басдир бизга аввал Тангри бергони,
Олдирма кўнглинитни, кетмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Биз кетмадик олди билан, бош билан,
Сайр айласак неча тенгу-тӯш билан,
Магар шунда ғамгин кўнглим хуш бўлар,
Кўнгил қалқар, қарор этмас, Озодим!

Озодий:

Хунаринг йўқ, ёнсан, кета билмассан,
Дунё шовқин-сурон чидаб билмассан,

Хар ишига бот қўшиб, қила билмассан,
Кетмаклик ихтиёр этмагил, ўглим!

Махтумқули:

Киши сўзламаса, сири фон бўлмас,
Яхшини, ёмонни билган ёш бўлмас,
Ҳозир юбормасанг қўнглим хуш бўлмас,
Раъйимиз қайтарма, қўйвор, Озодим!

Озодий:

Бизни бундай нечук тарқ этишинг бор?
Бу йўл бехудалир, бир кетининг бор,
Кел, кетмагил, кетиб этма интизор,
Қайгу, харажатга ботмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Қалбимга кирибди ислом ҳаваси,
Тантадир, дирҳамдир халқнинг таъмаси,
Қўнглимни қайтарма, бўлма норози
Бу сафар ишидир, қўйвор, Озодим!

Озодий:

Куръон ўқиб юргил, яхши каломдир,
Бераҳм афғондир, гўё исломдир,
Қароқчилир йўллар, хездир, ҳаромдир,
Ўлиб қолармисан, кетмагил, ўғлим!

Махтумқули:

Синайман, кўраман буғун иқболим,
Яхши кун, хуш соат келибми солим,

Қасд қилиб жонимга етса ажалим,
Хамма ер ҳам аслибир ер, Озодим!

Озодий:

Билиб туриб ўзинг қайга отарсан?
Не ҳунаринг борки, уни тутарсан?
Лйтгил, ахир, кимлар билан кетарсан?
Ҳаволаниб, ҳар ёи боқмагил, ўглим!

Махтумқули:

Жиловдори бўлам Ёзирхон пирнинг,
Қўнгил қуши парвоз этар фақирининг,
Бугун еттинчи кун “алҳамд” ўқирнинг,
Шод айла кўнглини, қўйвор, Озодим!

Озодий:

Озодий дер, бирга сафо сурайлик,
Майли юборайлик, синааб кўрайлик,
Тур, ўғлим, “Омин!” де, дуо берайлик,
Бир Тангри ёр бўлсин бора қол, ўглим!

Махтумқули:

Махтумқули кўнгли тўлагайдир завқдан,
Қўнгил қуши талвас ураг узокдан,
Ҳар ерда соглигим тила ул Ҳақдан,
Дуо қилиб, Ҳаққа ёлбор, Озодим!

ҚОЛМАС-ЕЙ

Кўрсам, эй, дилбар, жамолинг, ихтиёrim қолмас-ей,
Кўрмас эрсам бир замон сабру қарорим қолмас- ей,
Васлинг уммидана бир дам эътиборим қолмас- ей,
Бўлмаса уммиди васлинг, ҳеч мадорим қолмас- ей.

Гар иноят бўлмаса сендан очилмас йўлимииз,
Тутқун ўларлар доимо, бўлмас кушод иқболимииз,
Жабр ила бемор ўлиб, ошуфта бўлган ҳолимииз,
Раҳм этиб сен сўрмасанг, бир айри ёrim қолмас- ей.

Ҳасраг ичра қолмишам, ожиз бўлубон мондамен,
Фарқ қила билмам ўзим айвонда ё вайрондамен,
Кимса фаҳм этмас бу дардим, бўлмишам дармондамен,
Шомирам¹⁶ ўлмасдан аввал танда жоним қолмас- ей.

Гўйиё байтул-ҳазанмен¹⁷, шод келан ғамиок ўлан,
То ҳёти фониям, сийнам сепининг-чун чок ўлан,
Суратим нисёндалур¹⁸, устихоним хок ўлан,
То ўланча рўзи маҳшар, охи-зорим қолмас- ей.

Гарчи бу Махтумқулидир мойили нафси ҳаво,
Ҳак эрурсан бирлигинг, чун ҳожатим қилтил раво,
Ҳожатим сендан раво бўлмас эса гар, муудао,
Шунда маълумдирки, ҳеч бир ғаміузорим қолмас- ей.

¹⁶ Шомирам - Семирамида

¹⁷ Байтул ҳазан -- маҳзунлик уйи

¹⁸ Нисён - унутилган

ХОЛИМГА МЕНИНГ

Карам айла, ё Раб, қудратли субхон,
Фариб, ғамгин кечган ҳолима менинг.
Ақлим ҳайрондадир, бұлмисшам пүшмон,
Билмасликда үтіган сол¹⁹ има менинг.

Маҳшар күн бұлмасаң сен менга далда,
Ё Раб, нечук бұлар иппим шу ҳолда,
Имоним матоҳин обортан йүлда,
Роҳзан²⁰лар қўймагил йўлима менинг.

Дин қиличин урсам, танда зўрим йўқ,
Муҳтоҗга берарга қўлда зарим йўқ,
Фақирманам, Сендан ўзга ёрим йўқ,
Бир тасалли бергил қўнглима менинг.

Истаса тенгдошлиар бошга олтин тож,
Фақирлик мулкидан менга бергил бож,
Ё, Яратган, этма номардга муҳтоҷ,
Тилагим дуч этма золима мени.

Ожизманам, сендан ўзга кимим бор,
Ўз берган жонингга жабр этма, Жаббор,
Махтумқули айтар, карамли Faффор,
Боқма қиммишимга, феълима менинг.

¹⁹ Сол – йил

²⁰ Роҳзан – йўл тўсар, қароқчи

ИККИ ҲИЛОЛОН

Навмид экан назарим,
Қўрди икки ҳилолон.
Жоним роҳати кетди
Қўриб хусни жамолон.

Ёр ундан огоҳ бўлди,
Ўзини йироқ солди,
Ёш кўздан равон ўлди,
Гуё тегмини мўғелон²¹.

Муттасил ашким оқиб
Қўймас кўрарга боқиб,
Нафсим хўйига чекиб,
Ихлосимдан ялинон.

Равондаю оянда,
Забон сени гўянда,
Мудом ўлиб жўянда,
Тил сенинг-чун полонон.

Ишқ ханжарин айлаб тез,
Сен ани айлаб хунрез,
Топмай анинг-ла ҳаргиз,
Шаммайи аз восилон.

Фикр илиа фоний бўлди,
Гурбатда ҳайрон қолди,
Ишқинг қўшини солди,
Ақлим мулкига толон.

²¹ Мўғелон — тиканинг бир тури

Махтумқули, шабу рўз,
Жон гудоз-у, юрак сўз,
Бул сабабдан барф-у бўз,
Багирга босар сўзолон.

БИР КЎРИБ КЕТСА

Ҳамдард ўлиб ичкин-ичкин сўрмаган,
Не билсин бир кўриб кетса ташимдан.
Комил бўлиб жон қулогин бермаган,
Англай билмас ўтган ишни бошимдан.

Англай билмас, охирим не тарздаман,
Кўп вакълар қўшилмадим ҳарзаман.
Яратгандан етмисш етти розиман,
Яхши-ёмон ҳар на келса бошимдан.

Эй, ҳақорат билан боққан бизлара,
Мажоз билиб, мункир бўлма сўзлара,
Ҳалол луқма нур беради қўзлара,
Туттил яқин билгил нону ошимдан.

Арпа иони басдири томсам томога,
Умр бақосига тушма таъмата,
Кўнгил турар, “Ху!” деб сўйи-самога,
Қўл узсам дер, ковуш, кийим, пўшимдан.

Махтумқули кечиб душманнинг нахрин,
Касбим юмшатмоқдир ёмоннинг қаҳрин,
Ўтказибман йигитликнинг баҳорин,
Кутулмоқ йўқ қариликнинг қишидан.

БЕРМА ФАЛАККА

Фалак бози берминг жумла жаҳонга,
Менинг ихтиёrim берма фалакка.
Кўнгил қуши учиб кетса ҳар ёнга
Мухтож этма қанот, қуйруқ, елак²²ка.

Бедавлатга ишониб, косибни койиб,
Етти есири бўлса, бирини қувиб,
Бой кўп гапирав, қари мақтаниб,
Чалиб бўлмас айрон қуйса чеълакка.

Ўрда боини бўлмоқ жуда қийин бўлар,
Парча кийса, қиз-ўғилга син бўлар,
Тул кўзига қари нозанин бўлар,
Яна кўзин солар кўрга, чўлоққа.

Чапига айланган чархиналақдир,
Олам ўғли – келган бари ҳалақдир,
Етминг икки миллат бўлак-бўлакдир,
Бу бўлакдан қўшима ўзга бўлакка.

Йўл устида ўлсам, елга отсалар,
Розиман устимдан босиб ўтсалар,
“Махтумқули” леб номимни тутсалар,
Кўрган кўз жўрт отар эшигтан қулоққа.

²² Елак – бошга илиб олинадиган узун рўмол.

НАЙЛАРАМ

Аҳли ҳол бўлсам деярман: Ўзга ҳолни найларам?
Бу бедаво дардни-ю озурда ҳолни найларам?
Аввалии завқу сарвар, ҳасратли молни найларам?
Охири мавту-қубур, бу бўш хаёлни найларам?
Бўлмишам мен завқ аҳли, асбоб-малолни найларам?

Тушди ишқнинг оташига, қилча жоним қуиди, ёр,
Қуруқ жисмим ўтдан олиб, ўтга ёқмоқда не бор?
Гамда кўнглим бекарордир, бошда дардим сад ҳазор,
Ланинг учун даҳр аро бир гўша киллим ихтиёр,
Ихтиёrim йўқлуур, жанг-жадални найларам?

Оразинг испратнамо, кўркинг учун кўнглим ғудоз,
Қиска иқболим қўли, дўст домани – васфинг дароз,
Пурхатар ул йўл қироқ, испқинг гарон, қувватим оз,
Тушмишам бир мушкулга, сенсан бу ишга чорасоз,
Илтифотинг эмди қил, ўтган маҳални найларам.

Ҳар замон, Махтумқули, халқ ичра юрма лоф этиб,
Сақла ғийбатдан тилинг, тўғри юргин инсоф этиб,
Қўл узатма кўн бисотта, юр Худодан хавф этиб,
Сўфилик асбоби хушдир, кий ичингни соф этиб,
Бўлса мўр-малаҳ ичим, бу эски шонни найларам.



УЙЛАНГИН

Йигит ҳолинг қарилекка
Солайин десанг, уйлангин.
Калхудолик андишасин
Қилайин десанг, уйлангин.

Калхудолик гүзал йүлдир,
Ғам қаритар, ажал шулдир,
Йигитлик бир қизил гулдир,
Сүлайин десанг, уйлангин.

Үй, эл керак, күрпа-түшак,
Фарзанд бандир, аёл – түшок,
Юкка варзиншар бүз эшак
Бүлайин десанг, уйлангин.

Юарсан үйнаб, талашиб,
Қоларсан ғамга булашиб,
Хасратта, дардга илашиб
Қолайин десанг, уйлангин.

Жүшқин бўларсан ўзингдан,
Айриларсан хуш ёзингдан,
Тугамас дарднинг изидан
Елайин десанг, уйлангин.

Утказ йигитлик замонин,
Туттил қарилек доман²³ин,
Дунёнинг яхши-ёмонин
Билайин десанг, уйлангин.

²³ Доман - этак

Йигитлик бир қызыл гулшан,
Қарилікда үчар равшан,
Күчоқ-қүчоқ қора ёвшан
Юлайин десанң, уйлангин.

Махтумқули, юриб ҳар жой,
Этмасдинг жаһонда парвой,
Пайғамбар сұннатин баржай
Қиласын десанң уйлангин.

КУЛОХЛИ КЕЛДИ

Бир кече ётардим, бир ахвол күрдим:
Бир бұлак бошлари кулохли келди.
Сесканиб уйғондим, үрнимдан турдим,
Құллари тиллодан асоли келди.

Бир неча әранлар такрим²⁴ни айлаб,
Ол ва яшил кийиб, асбобин шайлаб,
Тутдым биришини бар²⁵идан сайлаб,
Лаблари шакардан мазали келди.

Бир пари солланиб, сайлға чиқибыли,
Ғамза бирла қалам қошин қоқибди,
Менинг жоним ишқ үтига ёқибди,
Бошлари тилладан жиғали келди.

Жағолар чеккандир ёри ёридан,
Богда биттан олма билан норидан,
Махтумқули бир парининг зоридан,
Ҳаммасининг тили саноли келди.

акрим – карам, раҳм-лафқат
ар - этак

ҚОН ЧИҚАР

Гар тутса ҳолимдан хабар, қурук ёғочдан қоп чиқар,
Инсон шароримдан асар топса, танидан жоп чиқар.

Корун қилиб молин адo, юз жон этар бұлса фидo,
Күн шамъидан булиб жудо, нурин қүйиб пинхон чиқар.

Бир гүшала бұлсан мүким, күнгилга келтирсам қадри сийм,
Хар гүшай вайронадаң сад танжи бепоён чиқар.

Күнгілімга келған нақшалар, күзларға фойда бұлса гар,
Күшилсалар күп подонлар, комил бўлиб, мардон чиқар.

Хеч англамай зеру-забар, гар топса жазбамдан асар,
“Алиф”дан, “бе”дан бехабар ҳар дамда бир “Қуръон” чиқар.

Жабр этди Жамиид жонига, ки эрди маъдан конига,
Оз иил ўқиб поёнига на Золу, на Луқмон чиқар.

Мен хам Фирогий ул қадар, ақлимни қилдим ларбадар,
Бир бехазар топса ҳазар, пар боғлабон осмон чиқар.

Махтумкули, оз айла сүз, барча қолар тоғу деңгиз,
Тупроққа түлса ушбу күз, Ҳақдин яна фармон чиқар.



САД ЖОН, ЭЙ, ДҮСТ

Күзимга ҳаргиз сенсиз қўринмас жаҳон, эй, дўст!
Не жаҳон, балки танда гар бўлса сад жон, эй, дўст!

Дўстларига бу ишлар бевафолик эрмасму?
Жонга жабринг орттиридинг очгунча забон, эй, дўст!

Ул рухсоринг кўрибон кўнглим тушди сен ёрга,
Жон бермай қутулмоқ йўқ ҳеч анга имкон, эй, дўст!

Васлингни умид этган узмим қўлин жонидан,
Чашминг жаллоди жаҳон, қопингдир камон, эй, дўст!

Дастури замон будир, мазлумларга лутф этгили,
Шарори шавқинг ортар этгунча омон, эй, дўст!

Умидли ошиқларга васл умидин қатъ²⁶ этдинг,
Ошиқларга жабр ондин бўлгайму бу ён, эй, дўст!

Махтумкули, бир махлук²⁷, мен ошиқам, сен – маъшук,
Гар десанг: “Истагим йўқ”, борайин қаён, эй, дўст?!



²⁶ Қатъ – кесини, узини

²⁷ Махлук – яратилмиш

ТҮГРИСИ

Эй, пари, ман ошикам сенга, леярам, түгриси,
Күрмагунча гул юзингни, бекарорам, түгриси.

Шахрингизда бир пари – номинг эшитдим мен сенинг,
Булбули бечораям, кўп охи зорам, түгриси.

Бир бозиргондур манам, ишқинг матоҳин сотарам,
Шахрингизга келминшам, бас, савдогарам, түгриси.

Кета билмай шахрингиздан, ҳиз-ҳаромдан қўрқарам,
Етти пирнинг лафзидан бир ёдигорам, түгриси.

Эй, пари, зулфинг пари, валлоҳ, сенингдек ҳўплара,
Айтадир Махтумқули, бас, пешакорам, түгриси.

БИРЁНА БЎЛДИМ ЭМДИ

Ишқ отанига тушдим, шарвона бўлдим эмди,
Шавкинг ўтида кўйдим, бирёна бўлдим эмди,
Жисмим кабобга дўнди, вайронা бўлдим эмди,
Ганж истаганлар келсин, вайронана бўлдим эмди,
Айрилдим ўзгалардин, бегона бўлдим эмди.

Чиқардим бошдан эмди дунё ҳавасин мутлақ,
Не ишга оёқ босдинг, тўхта, бир ўзингта бок,
Кул бўлиб елига соврил, ул ғудоз²⁸да жонинг ёқ,
Лозим ўлди ўқимоқ “Анал-ҳак”-у, “Минал-ҳақ”,
Май ичиб майхонадан мастона бўлдим эмди.

²⁸ Ғудоз – жон бергувчи

Дунё мендан ҳазл этмас, мен ҳам баҳра олмасман,
Үтим баланд, лардим күп, хушвақт ўлиб кулмасман,
Қимматбаҳо оламни икки нұлға олмасман,
Дүст қайси, душман қайси, фарқин қила билмасман,
Хеч кимса билмас ҳолим, аёна бўлдим эмди.

Шундай мақомга етдим, чуқур уйловга ботдим,
Жоним жонимдан ўгиб, хушимдан кетиб ётдим,
Жисмим йўлда йўқ бўлди, ўзлигимни унудим,
Ишқ лашкарига учраб, аклимин барбод этдим,
Торожга бериб ақлим, девона бўлдим эмди.

Махтумқули, ҳар замон найлай бўлмайин гирён,
Фикр лойига ботдим, чиқа билмасман бир ён,
Кулбам хароб, тан туроб, қўнглимнинг шаҳри вайрон,
Жоң, жасад, тил, ақлдан айрилиб, қолдим урён,
Иш келди, бошга тушибди, мардона бўлдим эмди.

ДАРД ЎЛДИ

Кўнгил бердим бир бевафо маҳбубга,
Чиқди қўлдан, яна жонга дард ўлди.
Ошиқ дер: “Боқмасман энди ул хўбга”,
Йўл устидан тушди, кўзим тўрт ўлди.

Манманлик-ла бўлди ишим бефойда,
Иқбол аравасин ботирдим лойга,
Ё бир мардга йиқил, ёки Худойга,
Банда иши олд босмади, орт ўлди.

Жоним қүни учиб қочди сайёлдан,
Кулбам ғамдан тұлди, юрак фарәлдан,
Құрқаман, ёр бизни чиқарап ёлдан,
Лайро ерда маскан тутди, юрг үлди.

Сұнам құл бермади, солдим бозимни,
Лочин қувди, қарға олди ғозимни,
Шунча фақирликка урдим үзимни,
Тулкиланиб юрдим, номим қурт²⁹ үлди.

Махтумқули, юрагимда дард турар,
Кім күрибди, құй ичида қурт турар?
Эй, ёронлар, мард йигитдан мард тұрар,
Қачон бұлди – номард үгли мард үлди?

БУЛУТГА ҚОРДИ МЕНИ

Ишқ юрагимда қайнаб, ёндириди ларди мени,
Тутуним бодга бериб, булатта қорди мени,
Фалак құлим қайириб, чархига серди³⁰ мени,
Харидор құзи бирла ким келиб құрди мени,
Хижрон ёмғири ёғиб, ғам селга берди мени.

Бул ғам сели окириб, ишқ үлкесига бориб,
Хаёл фикрга тұлиб, ақлимни елга бериб,
Ул хайрат майдонида мен ғарип қолдым ҳориб,
Ишқ ханжарин чекибон, хижрон юрагим ёриб,
Оламта достон айлаб, офтобға серди мени.

²⁹ Курт - бүри

³⁰ Серди – ёйди, осди

На жасад ичра жон бор, на қувват қолди танда,
Ҳам сарғашта, ҳам ҳайрон, бу ишга бўлдим банда,
На хастаям, на бемор, на мурдаям, на зинда,
Ғам ҳужум айлаб кўкдан, замин сари ингандা,
Фалак қўлимдан тутиб, ҳавола қилди мени.

Бир аҳволга дуч келдим, гам ҳужуми ўлдирди,
Бу ишнинг сариштасин ишқ ўқитиб билдириди,
Бу ҳолга раҳми келиб, қўлим тутиб қолдириди,
Жамол бир жилва берди, ичим шавққа тўлдириди,
Сўзламайин найлайин, нурга тўлдириди мени.

Махтумқули, беклигим ёр жамоли қул этди,
Висол умидин бериб, юз тилли булбул этди,
Лайрилик ўтга солди, фирок турди, ел этди,
Ишқ чекди забония³¹, ёқиб-ўртаб қул этди,
Хижрон фаромуш қилиб, елга совурди мени.

ЕТИШДИМ

Саҳар вақти сайрон бўлиб кезардим,
Ажаб манзил, ажаб жоя етишдим.
Йўлим топмай, йўлдан йўлга адашдим,
Хўп маконга, хўп сароя етишдим.

Устасиз ишланган, михсиз қоқилган,
Қийматсиз сотилган, қўлсиз тутилган,
Қўл тегмай тортилган, ўқсиз отилган,
Мукаммал ясалган ёя етишдим.

³¹ Забония – дўзах фарингтаси

Нече дұстлар билан сайронда әдим,
Хатардан қутилған, карвонда әдим,
Жондан умид узиб, ҳайронда әдим,
Юлдуздан ийл ясаб, Оя етишдим.

Күнглим кетди дұстлар ичған шарбатта,
Улар юз сафода, мен минг ҳасратда,
Лирилиб нолада, қолдым ғурбатда,
Чашмадан сув истаб, чоя етишдим.

На танда қувват бор, на ичда жон бор,
Бу ишіда на фойда ва на не зиён бор,
На ҳисоб, на ҳасиб, на аниқ сон бор,
Кипи билмас не савдоя етишдим.

Боңша боғлаб девоналик камандим,
Сакратиб етишдим иншқа самандим,
Ол шаробта құл узатдим, иймандим,
Тинигин ичминилар, лоя етишдим.

Махтумқули дерлар менинг отимни,
Оlam құли куяр – күрса үтимни,
Эй, ёронлар, кимга дейман додимни,
Бошим чиқмас, не ғавғоя етишдим.



БУ ИШНИ

Бандасан, бад ишига ботирлик этма,
Олдингта құярлар ул күн бу ишни!
Нафсингни тий, шайтон раъйига кетма,
Хижолатта құяр, билгии бу ишни!

Нафсинг айттар: "Ургин, бу бир хузурдир!"
Жонинг айттар: "Хой, тур, Тангри ҳозирдир!"
Сен күрмассан, ул Ху³² сенга нозирдир,
Уялгин, тортингин, қўйгин бу ишни!

Бир йўлла гуноҳ бор, бир йўлда савоб,
Қиёматда сендан сўрарлар жавоб,
Ҳалолга – ҳисоб бор, ҳаромга – азоб,
Шак келтирмай, ёдга солгин бу ишни!

Умринг ўтиб борар, гўё бир соат,
На бўлар, бу дамда айласанг тоат,
Савобга шодлик бор, журмға – хижолат,
Бўйнингга олмагин, келгин, бу ишни!

Бошинг кўкка, кўксинг елга қутарма,
Кўнглингга қўрқувни чала келтирма,
Юракда йўқ сўзни тилга келтирма,
Ихлос қулогига чалгин бу ишни!

Мусофирсан, муқим ишни қуарсан,
Бебақо дунёда неча туарсан?
Бунда не иш қиласанг, анда қўарсан
Яхшидир, ёмондир ул күн бу ишни.

³² Ху - худо

Шайтон айттар: “Шаръий ишдан, оза қол!
Рахмон айттар: “Нафс умидин уза қол!”
Махтумкули қўксининг қўл боса қол,
Агар қила билсанг, қилгин бу ишни!

ТЎКИБ БОРАДИ

Ғам тумани босиб ғариб кўнглимни,
Кўзда ёшин селдай тўкиб боради.
Кимлир раҳим этмай, сўриб ҳолимни,
Бузук кўнглим кўркин йиқиб боради.

Гарчи ўт ёқсалар бу ишқ ёғидан,
Улим осон эрур лўст фироғидан,
Ҳижрон мени қувди сабр боғидан,
Фироқ бўғин-бўғин сўкиб боради.

Ул даври давроним чарх булаштириди³³,
Ғам жоним қуритди, ўт тугаштириди,
Ишқ мени ёндириди, ҳаддан оштириди,
Юрагим ичимдан чиқиб боради.

Роҳатда ётардим, нафсимни пешлаб,
Турди кўнглим ёр жамолин ҳаваслаб,
Ҳакдан хожат тилаб, муродин истаб,
Кўзим ул йўлларга боқиб боради.

Махтумкули, мажолим йўқ сўйлайин,
Дўстларга дарлимни аён айлайин,

Эй, ёронлар, йигламайин найлайин,
Ишқ мени ёндириб, ёқиб боради.

ЙИГЛАБ ҮТАР ҲОЛИМГА

Кенг даврани ғам босибди ўзидан,
Боп ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.
Бағри яшин күнгил түкар күзидан,
Қош ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.

Қарилликка түндар йигит чоғларни,
Іадо айлар тож эгаси бекларни,
Куршундек эритар, Кофдек тоғларни,
Тош ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.

Оlam ичра бир ох урсам, бир зарбга
Адо бұлар инсон, келмас фил қурбға,
Қоплон кучдан қолар, айланар итта,
Қүш ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.

Пұшаймонман қылган қылмиш коримдан,
Бепарвоман бұлар-бұлмис боримдан,
Хамроҳ бұлған ёта билмас зоримдан,
Хеш ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.

Ҳақ ишқидир бизни қўйган қўзларга,
Бу қўзлардир қисмат бўлған бизларга,
Булбул тилсиз қолар, борсам ёзларга,
Қиши ҳам келса, йиглаб үтар ҳолимга.

Англамаган ишқ дардиниң конидан,
Бу сүз үтмас яқинидан-ёнидан,
Ишққа туштан умид узар жонидан,
Лопт ҳам келса, йиғлаб үтар ҳолимга.

Фаҳм айлагын Махтумқули сүзини,
Дардга тушиб, ёшта түлдир күзини,
Шол кулғаппарат туга билмас үзини,
Хүш ҳам келса, йиғлаб үтар ҳолимга.

МУБТАЛО ҚИЛДИ

Эй, дүстлар, фалак жабри,
Бопимни мубтало қилди,
Лайирди севар боламдан,
Юрагимни яро қилди.

Үтди хүпівақт, хуррам вақтим,
Бузилди тилладан тахтим,
Яңги биттан бир дараҳтим
Хазон боди фано қилди.

Шұм ажалға бўлмас чора,
Жабриніңдан қолдим бу зора,
Юрагимга солди яра,
Гариб жисмим адo қилди.

Энди бир дам қарорим йўқ,
Бу манзилда турорим йўқ.,
Бу сўздан ҳеч хабарим йўқ,
Хабарсиз бенаво қилди.

Ёниб парвонадек ҳар дам,
Юрагим тұлдириб юз ғам,
Қадлим хам, күзларим пурнам,
Бу жонимга жафо қилди.

Гамидан ўртаниб сүзон,
Чекарман нола-ю афгон,
Фирокингда күзим гирён,
Нетай, наилай, гадо қилди.

Махтумқули қилди фарёд,
Менинг ақволимта, ҳайхот!
Фалакнинг ластидан минг дод!
Менинг бағрим қаро қилди.

КҮЗЛАМАСДАН БҰЛАРМУ?

Бир каклик йүқотса магар боласин,
Сайраб-сайраб изламасдан қоларму?
Бир булбул йүқотса қизил лоласин,
Ҳасратидан сұзламасдан қоларму?

Хұтиги құлидан кетса эшакнинг,
Термулиб түрт томон излар ушогин,
Октуя олдирса құлдан бұтасин,
Бағрин үйиб, бұзламасдан қоларму?

Она қүй йүқотса тар құзичогин,
Товушнега динглаб, солар қулогин,
Тұка-тұка тинмай құз ёшы булоғин,
Маърай-маърай изламасдан қоларму?

Оқсоқнинг қўлидан олсанг оғочин,
Ёмон дардга тушар топмай иложин,
Бир кучли душманга тушса мегажин,
Боласини гизламасдан³⁴ қоларму?

Айрилиққа одам ўғли найласин,
Ким қолар кўрмасдан ажал ҳийласин,
Махтумқули, бок: мол билса боласин,
Инсон бағрин тузламасдан қоларму?

ОТАМНИНГ

Олтмини ёшда, наврӯз куни, лув³⁵ йили,
Турди, ажал йўлин тўсди отамнинг.
Бу дунёниг иши бўйламиш, бали,
Умрининг танобин кесди отамнинг.

Молу дунёларга кўнгил қўймади,
Бу жаҳоннинг ишратини сўймади,
Эски шолдан ортиқ пўстин киймади,
Маҳшар уйи бўлди қасди отамнинг.

Дерди: “Дунё турмас, умри боқий йўқ,
Кундуз – рўза, кеча – тоат, уйқу йўқ,
Туйган туяр, гуймаганда туйғу йўқ,
Пайғамбар дасгидир дасти отамнинг.

³⁴ Гизламоқ - япирмоқ

Лйтмасдим, сўзларим бўлмаса чиндан,
Ҳаққа етар ким бош узмас заминдан,
Ярмиси малаклан, ярмиси жиндан,
Мужовур³⁶сиз бўлмас усти отамнинг.

Уч юз эран - Нуқабо³⁷-ла кўришиди,
Чилтандга отамга назарим тушди,
Нужабо³⁸да ҳафтнларга қоришиди,
Абдоллардир чин пайвасти отамнинг.

Оlam ичра одам қолмас қолар ном,
Бу сирни оқил билар, билмас авом,
Жони жаннат ичра, кўқда бардавом,
Ерда хушвақт ётар пўсти отамнинг.

Махтумқули, шинҳон сиринг бор ичда,
Комил топсанг, кил хизматин саришта,
Махшар кун қайғусиз кезар беҳиштда –
Ҳар ким чиндан бўлса дўсти отамнинг.



³⁶ Мужовур – яқин киши

³⁷ Нуқабо – нақибнинг кўпилиги, худога яқин кишилар, авлиёлар

³⁸ Нужабо – нажибнинг кўпилиги, валийларнинг рухий-маънавий даражаси

ОТ ИСТАРМАН

Карам этсанг қодир Аллох,
Дүнёликдан тахт истарам.
Толеим уйқуда қолмииш,
Бир очилмиш баҳт истарам.

Йұқсизлик бир ёмон йұлдир,
Фақиригим, калта құлдир,
Халол ризқ бер, қасбим билдир,
Кимё – үглиқ шаҳт истарам.

Ёлғон дүнёда юрмоққа,
Давлат бер ишрат сурмоққа,
Умр тиклаб, күп күрмоққа,
Саксон йил фурсат истарам.

Хожи Бектоп, Абдулқолир,
Күл Аҳмад, имом Ризодир,
Фаридиддин авлиёдир,
Баридан ҳиммат истарам.

Фирогий, ишкқа етишдим,
Дарё кирдим, мавжға тушдим,
Хор қолмасин пушба-пуштим,
Баркарор давлат истарам.



РОЙГОН АЙЛАДИ

Қайғу-ғамда азиз умрим сұлдириб,
Шум фалак азобим ройгон³⁹ айлади.
Ёзган китобларим селга олдириб,
Күзларим изида гирән айлади.

Ғофиллиқда душман олди ташимиз,
Тарқатди ҳар ёңга тенгү-түшими,
Бең үйлә бир китоб қилған иши миз –
Қызылбошлар олиб вайрон айлади.

Бир нечамиз құли бөглиқ қул бўлиб,
Нечалар изида сарғайиб, сўлиб,
Ким шул бериб, аниң баҳосин олиб,
Ҳар кимга бир аниқ баҳо айлади.

Бераҳм шум фалак менга билдирили,
Йигламоқдан гул юзларим сұлдирили,
Құлёзма китобим селга олдирили,
Душманимни Жайхундарё айлади.

Нечалар лунёда бўлди бир киши,
Нечанинг оғзини тўлдирмас онни,
Нечанинг мотамдан қутулмас боши,
Кеча-кундуз вовайлого айлади.

Куйдирап шум фалак зулми-жафоси,
Ёлғондир, ишонманг аҳду вафоси,
Махтумқули, йўқ бу сўзнинг хатоси,
Фалак алиф қалдим дуто айлади.

БҮЛДИМ ГИРЁНА

Езигим ёд этиб, юзим хок этиб,
Саҳар полиш билан бүлдим гирёна.
Дийдадан ёш тўкиб, сийнам чок этиб,
Телбалек ўзимни урдим ҳар ёна.

Кўнглимни узгандим жумла жаҳондан,
Не жаҳондан, балки қўл уздим жондан,
Хизрдан, Исодан, Шоҳимардондан,
Ҳиммат истаб бокдим сўйи осмонга.

Осмоннинг юзидан каҳкашон учди,
Ногаҳон уч эрга назарим тушди:
Иков яшил киймиш, бир сафедиўли(р),
Қўзим кўрли, тилим келмас фармона.

Бири келиб, қўлин кўксимга урди,
Бири бир тиғ билан юрагим ёрли,
Лабимга лаб қўйиб, бири лам урли,
Дерлар: “Арзинг дегил Шоҳимардона!”

Булар шундай дегач, тилим ечили,
Қона-қона бу ишқ майи ичилди,
Кўнглимдан етти хил савол кечилди,
Делим: “Рухсат бўлса, келсин забона”.

Икки узун эрдир, бири наст қадлир,
Делилар: “Хуш вақтдир, яхши фурсатдир,
Сўзинг бўлса сўра, - дерлар, - рухсатдир,
Кўнглингдаги сўзни келтир баёна!”

Дедим: "Күкдан оғир, ердаң мард нағир?
Дарёдан бой нағир, тошдан саҳт нағир?
Үтдан ҳароратли, муздан сард нағир?
Заҳардан аччиқроқ недир бу жона?"

Дерлар: "Ёмон тұхмат оғир осмондан,
Қаҳріз, яхши сүз кенгdir жаҳондан,
Муноғиқнинг күнгли саҳт сангистондан,
Аҳли қоне үхшар баҳри-уммона,

Жабр этувчи султон үтдан ҳам үзган,
Бахилдан тиласанг, совуқdir муздан,
Фақирга жабр этмак заҳарли сүздан,
Үтігdir бу сүzlар, биздан нишона".

Булар шундай легач, үрнимдан турдим,
Юриб, этагига құлим еткурдим,
Маст бўлдим, суст бўлдим, ақлим йигирдим,
Гап-калом топмадим, қолдим ҳайронা.

Дерлар: "Биз уч киши бўлдик устодинг,
Доим достон бўлсин оламда отинг,
Махтумқули, вақти, иста муродинг..."
Бу сирни гўл очар, ё бир девона.



ОЛАМГА БЕЛГИЛИДИР

Дүстлар-о, дүстим менинг шириң жондан севгилидур,
Жон каби пинхон жаҳонда олама белгилидур.

Боли била борсам анга, хандон ўлурса гуззари,
Тутсам ул ерла ватан, ул ерки онинг йўлидур.

Дерди ёр: "Мен ошигим ўз қўлим-ла қатл айладим",
Андин аввал гам мени поймол қилиб ўлдиригудур.

Узга ошиқларинг ўлса пойи банд зулф торига,
Мен ғарibi банданинг ҳам оёти, ҳам қўлидур.

Гайри-ла базм айлаюб, айласа хуш кўнглини ёр
Мажлис ичра ёд этиб ленг: "Ул ғариб қайғулидур".

Ёр келар, вақт-да кетар, ғафлатга ботмиш қўзларим,
Очаман десам, очилмас, не отир уйқулидур.

Билмасдан сўрганиларга айтинг, бу ғариб отимиз,
Асли геркез, юрги Атрак, оти Махтумқулидур.

ШИФО БЕР

Бу чўлда раҳм айла ғаріб холима,
Оlamни яратғон субҳон, шифо бер!
Кўн оғриқли, дардли ширин жонима
Ё, Мустафо, фахри жаҳон, шифо бер!

Ун икки имом, бир-биридан сарвар,
Етти валий, ёрон булиб мадал бер.
Машҳад, Қора Бобо, Ё Шис пайғамбар,
Ҳасан, Ҳусан, Шоҳимардон, шифо бер!

Нуҳ пайғамбар, назар айла бир нафас,
Умримни бехуда ўқказдим – абас,
Зикриё пайғамбар, ё Ҳизр, Илёс,
Ковус, Қиёс, Мусо, Имрон, шифо бер!

Иброҳимнинг жондан айрилди тоби,
Каъба борган ҳожи топар савобин,
Қара Олам ота, Ё Холид наби,
Кўзли ота, Бобо Салмон, шифо бер!

Ўғил кўриш баҳтии бермай худоси,
Изила нишон йўқ, чиқиб навоси,
Деву пари, инсу-жинснинг подшоси –
Султон бўлган шоҳ Сулаймон, шифо бер!

Ўзинг қўллаб юбор, ё Раббим жалил,
Барчанинг ризқига ўзингсан кафил.
Ё Довуд, Ё Жиржис, Иброҳим Ҳалил,
Абу Бакр, Умар, Усмон, шифо бер!

Дод айлаб, тилимдан қилдим фиғонлар,
Еш ўрнига оқди кўзимдан қоплар,
Хоразм юргида ётгай жононлар,
Исми Махмуд – эр паҳлавон, шифо бер!

Мавлон, етказ масканимга, юргимга,
Юзим тушсин арслонимга, итимга,
Махтумқули айттар: менинг дардимга
Дунёнинг габиби – Луқмон, шифо бер!

ШОҲИ ҚАЛАНДАР

Ошиқлар аҳлининг хони, султони,
Тажаллий ғаҳтининг шоси қаландар.
Кезарман йўлларни, йўқотиб ёрни,
Билмайман, хабар бер, Қайси, қаландар?

Мен бу йўлда шунча зилла⁴⁰ бўлмишам,
Бунда қолиб ожизлигим билмишам,
Шаблийни, Мажнунни олиб келмишам,
Паҳлавони Пирёр, Вайси қаландар.

Хабар олдим боғу-бўстон гулидан,
Ранги сўлмиш боди-хазон елидан,
Гардани каж қаҳба фалак элидан,
Бинафша тутармиш ёси, қаландар.

Ҳуним йўқдир ўйнаб-ўйнаб, кулмоққа,
Рақиб қўймас сен томонга келмоққа,

⁴⁰ Зилла - адамиши.

Бир хилватда ёр хабарин олмоқقا,
Сенда бор ошнолик ҳиси, қаландар.

Кундузинг фикрдир, үйдир оқшоминг,
Шу зайл үтказдинг, вақтинг-айёминг;
Ё, Раб, карам этсанг бизга бир жоминг,
Қимматин айт, не баҳоси, қаландар?

Севсанг ул яратган қодир субхонни,
Мен гарифни ҳам шолд айла пинҳони,
Кұтарди оламни, тутди жаҳонни,
Ошиғинг ноласи, саси, қаландар.

Махтумқули айгар, устихон сенинг,
Тан сенингдир, томир сенинг, қон сенинг,
Қиймаг учун ақл сенинг, жон сенинг,
Дудоғимга тутгил тоси⁴¹, қаландар.

ЕТИШДИ СОЛИМ

Қариликда құлдан кетди инсофим,
Лё, дүстлар, элликка өтипди солим.
Карим-о, кун-кундан кам бўлди хавфим,
Дам-бадамдан ортди бу ёмон феълим.

Дариго, дин учун йўқдир бир ишим,
Умрим адоланди, оқарди ришим⁴²,
Қувватим камайди, тўкилди тишим,
Йигитлик авжида ҳануз хаёлим.

⁴¹ Тос – қадаҳ

⁴² Риши – соқол

Күнгил дунё зарин излаб турибди,
Кўз ҳам ғўзалларни кўзлаб турибди,
Тил ҳам гийбат, ёлгон сўзлаб турибди,
Шайтон бир кофирдир, нафсим ҳам золим.

Сендан мадад етишмаса, ё Жаббор,
Бу балодан бош қўтармоқ қачон бор?
Ҳавоий ҳавасга бўлдим гирифттор,
Ҳақ қуллигига йўқлир мажолим.

Дўстлар, эътиборим йўқдир умрга,
Бахтимнинг сиёси ранг бер қўмирга,
Голеим қўёни ботмиш ул ерга,
Этам, сен уйғотгин мудроқ иқболим.

Худованд-о, гарчи нафсим ёмондур,
Тилагим даргоҳдан нури иймондур.
Шўришим бехаддир, гуноҳим кондур,
Сен ўзинг кечирғил, ё, Зулжалолим!

Махтумқули ишқ ўтига бирёнман,
Эл молига, мен ҳолимга гирёнман,
Қўрқув-умид ўртасида ҳайронман,
Тонг-ла маҳшар, ё-Раб, не ўлур ҳолим?

НЕЛАР КҮРИНАР?

Сайл айладинг бу жаҳонга,
Жаҳонда нелар күринар?
Искандар, Жамшид қурдирған
Баланд бинолар күринар.

Бешалари⁴³ шер, палангли,
Гүлгузор, новча билангли,
Кун тушмаган тор ұлангли,
Чашмали зовлар күринар.

Яраттан бор этди йүқдан,
Тоғлар дунё сурар күпдан,
Сұрсанғ хабар берар Ңұхдан,
Сасиган овлар күринар.

Чоглан, ёлғон дунё, чоглан,
На кулган қолар, на үйғлан,
Қор-ёмтирлар, бурж bogлаган
Камарли товлар күринар.

Бопидан тумани кетмас,
Лайём кечиб, ерга ботмас,
Чүкиб қолмас, ўлмас, йитмас,
Құрғонли товлар күринар.

На кулба қолар, на четан,
Санамлар сайл этиб үган,
Тұғи, булбул маскан тутан,
Хаволи боғлар күринар.

Махтумқули, ким бор - үлмас?
Ажал түймас, замин тұлмас,
Осмон тушиб, ер чұврилмас,
Кун юрар, ойлар, күринар.

БУ НЕ ТАРХИС – ТАВАЛЛОДИР

Юзим ёр юзига тушса, тилим “Алхамдулиллох” дур,
Агар қаҳрига учрасам, үқирим “Қулхуваллох” дур.

Бу даргохи турур қурбат⁴⁴, эрур ул ҳодийи вахдат,
Мұхаббатнинг мақомида аниң аз васфи “Лавло” дур.

Фалаклар нардибонидир, замин соясига мұхтож,
Икки наълайни Аршнинг бошида тожи аълодур.

Агар мискин, агар бир бой, тоғарми сенсизин хеч рой,
Ёмандир айрилик, ә-вой, араб лафзинда “вайло” дур.

Жавор⁴⁵ингдан жудоларга, қўйингда жон филоларга,
Сени истгар гадоларга закот ҳуснингда авлодур.

Эруман бир гуноҳкоринг, ҳамиша ошиқи зоринг,
Юзин кўрмасам ул ёрнинг, қачон кўнглим тасаллодур.

Фирогий, неча вақт үлди, хабар топмасман ул ёрдин,
Ёнорман отапи ишқда, бу не тархис⁴⁶ – таваллодур.

⁴⁴ Яқынлик

⁴⁵ Қўйничилик килиш

⁴⁶ Тархис – рухсат қилиш

СЕВМИШАМ СЕНИ

Ё хабиб, Ҳақ расулисан,
Чин жондан севмишам сени.
Дарвешлар қалр кечасин
Севгандек севмишам сени.

Айлаюб сайру сайрони,
Гашт этсам кулли Эрони,
Мисли Иброҳим – Сорони
Севгандек севмишам сени.

Ёқуб юрт этди Кањонни,
Ўғлидир Миср султони,
Мисли Юсуф – Зулайҳони
Севгандек севмишам сени.

Ёлғончини тутди оти,
Улардир ишқининг бунёди,
Мажнун – Лайли паризоди
Севгандек севмишам сени.

Тилди тогларнинг зер⁴⁷ини,
Топмасдан бири бирини,
Ошиқ Фарҳод ул Ширини
Севгандек севмишам сени.

Эгди мени дунё моли,
Бўлмади ишқим камоли,
Сайфулмулук – Моҳжамолни
Севгандек севмишам сени.

⁴⁷ Таг, ост

Босди мұхаббат нипони,
Гашт айладим чор гүшани,
Яманда Варқа – Гулшони
Севгандек севмишам сени.

Кетди құлдан ихтиёри,
Қолмади сабру қарори,
Ошиқ Наврұз – Гулфархорни
Севгандек севмишам сени.

Бир кун йұлиқиб Хизра,
Турдилар ниёз, назра,
Бир-бирини Вомиқ-Узро
Севгандек севмишам сени.

Кездилар Румнинг тузини,
Бердилар Ҳақнинг қарзини,
Аризда Қамбар – Орзуни
Севгандек севмишам сени.

Тутмади улар дүнёни,
Қолмади ёри-ёрони,
Мисли ул Тохир – Зухрони
Севгандек севмишам сени.

Бу дүнё қолдирди кимни,
Хуш тугинг беш күнлик дамни,
Ошиқ Фариб – Шоҳсанамни
Севгандек севмишам сени.

Махтумқули, дүнё фоний,
Үтибидир Рустамлар, қани?
Ой – күнни, замин – осмонни
Севгандек севмишам сени.

ГУЛГА МЕНГЗАР

Эй, ёронлар, яхши ёрнинг
Кўйни жанинат, гулга менгзар,
Сўзласа дурлар сочилар,
Забони булбулга менгзар.

Ишқ ўти ёндириди бизни,
Сўраманглар мендан сўзни,
Ёрнинг ойдек қизил юзи
Гўё ою кунга менгзар.

Нола чекдим ларди фироқ,
Етай десам йўлим йироқ,
Қалам қопили, бодомқовоқ,
Сочлари сунбулга менгзар.

Зулфларига уриб шона,
Мени ул қилди девона,
Гўё ул шам, мен – парвона,
Ёндим, таним кулга менгзар.

Куйган йўқ дунёда менча,
Дийдор кўрмак йўқ тўйгунча,
Тишлари дур, оғзи гунча,
Бел ингичка – қилга менгзар.

Кўзи наргис, бўйи шамшод,
Киприклари мисли пўлот,
Пари пайкар сарви озод,
Даста-даста гулга менгзар.

Күксіда бор құша нори,
Оқ юзида дона холи,
Лабларидан оққан боли,
Шаҳд ила шакарга менгзар.

Ұзига қүңдир биноси,
Кийиб рангба-ранг либоси,
Құлиға құйғаш ҳиноси,
Гүё қизил хунға менгзар.

Махтумқули, бүлдинг хароб,
Истаб тошмай ёрни сұраб,
Үтирасан йұлға қараб,
Йұл тошмаган күрга менгзар.

ТАШ⁴⁸ ҚОЛДИ

Не завқу сафолар йигитлик билан,
Баҳор бұлиб үтди, биздан таш қолди.
Қарилек етишди минг кулфат билан,
Мезон етди, хазон келди, қиш қолди.

Умримин сарф әздім ҳой билан войға,
Қуллуқ-тоат айламадим Худойга,
Йигитлик асарин үтказдым зое,
Эмди на куч-қувват, на бир жүш қолди.

⁴⁸ Тащ - ташқары

Умримнинг қолмади бир зарра шоди,
Ҳеч кимса эшитмас оҳни-фарёди,
Жисмим кабоб этмиши айрилик ўти,
Юраклар қон бўлиб, кўзда ёши қолди.

Ҳар бир қулга шум айрилик солинди,
Жисмим хазон урди, гули сўлинди,
Ғазнаси урилди, уйи таланди,
Не анда бир ақл, на бир ҳуш қолди.

Қўйди мени юз минг озорга фурқат,
Кечам узун бўлди, тонг отмоқ дикқат,
Ғусса билан кун кечирмоқ маشاққат,
На жонда фароғат, на бир айш қолди.

Айрилик жон-жисмга қўп озор берди,
Ранжу алам чекдим, таним сарғарди,
Ғусса билан соч-соқолим оқарди,
На руҳда шод, на кўнгилда ҳуш қолди.

Махтумқули, ишим қийлу-қол бўлди,
Шум айрилик бирла ақлим лол бўлди,
Билмадим, не савдо, нечук ҳол бўлди,
Жон тандан айрилди, қуруқ лош қолди.

БОШ БЎЛМАНГ

Насиҳат айлайин, тингланг йигитлар,
Пес хотин бошлаган тўйга бош бўлманг!
Минг насиҳат айтсанг бирисин тутмас,
Оғзибир бўлмаган уйга бош бўлманг!

Дағдаға айламанг, солишма қилманг,
Халол савдо қилинг, чолиши ма қилманг,
Хүш мулойим бўлинг, кўпсухан бўлманг,
Номард ила харгиз кўзу қоп бўлманг!

Харгиз отанг бўлса, бўлмагил кафил,
Эскидан нақл бор: “Кафиллар сафиил”⁴⁹.
Мен айтаман, тингламасанг ўзинг бил,
Оёқчаларларга сира бош бўлманг!

Насихат тингласанг, эрнинг эрисан,
Олмасанг насиҳат кўпнинг бирисан,
Йўқса товонини ўзинг тўларсан,
Оғзи ола қавмларга бош бўлманг!

Тўғри юрган, тўғри турган тўқ бўлар,
Бевақт юрган маломатга ўқ бўлар,
Умринг бўйи тўплаганинг йўқ бўлар,
Харом суйган йигитларга бош бўлманг!

Харгиз ёмон билан бирга юрманлар,
Ўйнаб-кулар жойга бирга борманлар,
Қўсти етар бир кун, ёлғон деманлар,
Куда бўлиб, бир балога дуч бўлманг.

Махтумқули, кўп савдоли бошинг бор,
Умринг узок, юздан ошар ёшинг бор,
Ўзингни бил, ўзгага не ишинг бор?
Боҳабар юр, Ҳак ёдидан таш бўлманг.

⁴⁹ Паст

ЗҮР БҮЛАР

Яхшиликда элга ўзин танитган –
Олқиши олиб, даражаси зүр бүлар.
Ёмон бўлиб, яхшиликни унугтган –
Иzzатин йўқотиб, итдек хор бүлар.

Мунгли бўлар муродига етмаган,
Гуноҳкордир Ҳақ амрини тутмаган,
Ўз ризқига ҳеч қаноат этмаган
Кўзин тикар, ёт ошига зор бўлар.

Ҳар ким ёмонласа теншү-тўшини,
Ўзи мушкул этар осон ишини,
Ким тарқатса ақл билан ҳушини,
Қилган ишин билмас, шармисор бўлар.

Зах жойдан қочади боли қўзиган,
Беихтиёр бўлар қўли танғилган,
Курашда йиқилган, жангда енгилган,
Ичи тўла номус бирла ор бўлар.

Ғайрати кам бўлар ғазаби ознинг,
Теікиси наст бўлар мотамда сознинг,
Уйига борсангиз бир бениёзниңт
Гавдаси қисилар, кўнгли тор бўлар.

Ким балони сотиб олса бошига,
Рашк этиб, рақиблар ўтар ташига,
Жадал қиласа ким қилолмас ишига
Савдосидан кела билса – эр бўлар.

Охир тавба қилмас янглиниб ёзғон,
Үт ёқсанг қайнамас бир қурук қозғон⁵⁰,
Фаҳм этині; ҳар ерда бир феъли озғон,
Ёвуз мусаллатта⁵¹ сазовор бұлар.

Хазонга айланди умрим тар ғули,
Назарин паст тутар құлдан бергили
Бейқбол ёзиқли, ёмон күргили,
Түқнаш келса бир ёмонга ёр бұлар.

Үнгү сұлла күрсанг ҳар кас ғуломин,
Ундан аямагил Тангри саломин,
Ким ўқиб унугта Ҳақнинг каломин,
Қиёмат кун икки күзи күр бұлар.

Холи мушкул бұлар куйиб-ёнганинг,
Имени шикаст тоңар ҳаром еганинг,
Қасдан рұза, намозини қўйганинг,
Ўзи коғир, билинг, жойи дор бұлар.

Махтумқули, сұзла ҳарна билганинг,
Ўзинтга камлик бил айтмай үлганинг,
Тарошлаб сўйлагил дилга келганинг,
Сендан авлодларга ёлигор бұлар.

⁵⁰ Қозғон

⁵¹ Уралган

ЭЛНИ КҮЗЛАР

Элидан айро тушган –
Ох уар, элни күзлар.
Йүлидан айро тушган –
Жаҳд этиб йүлни күзлар.

Күкда фалак гардондир,
Халқ ерда саргардондир,
Не бозигар жаҳондир?
Күз очган молни күзлар.

Кимларда олтин тождир,
Кимлар гадо мухтождир,
Кимлар буткул ғаллочдир,
Ким парча⁵² хол⁵³ни күзлар.

Ким нон тоңмас емоқقا,
Ким жой тоңмас қўймоқقا,
Ким тўн тоңмас киймоқقا,
Ким ипак шолни күзлар.

Бу жаҳон бир пуштадир,
Ким зинда, ким күштадир,
Ҳар банда бир ишдадир,
Ҳар ким бир ҳолни күзлар.

Ҳангом узун, умр оз,
Тўрт фаслга бошдир ёз,
Кўкда қанот ёйган гоз –
Кўзлари кўлни кўзлар.

⁵² кийим

⁵³ Узунилик ўлчов бирлиги

Махтумқули, хуш айлаб,
Кезгин дийданг ёш айлаб,
Далли күнгил жүш айлаб
Іоз минг хаёлни күзлар.

СЕЛ БИЛАН

Баланд тогларнинг бошида
Булут ўйнар сел билан.
Мард йигитга тўю-байрам
Ҳар иш келса эл билан.

Тил билганилар гунг бўлибди,
Олтин, кумуш занг бўлибди,
Паншира қачон teng бўлибди
Учрашгандада фил билан?

Ўтлоққа қочар бузоқлар,
Пода бошлилар яхши говлар,
Танилар асл бедовлар
Эски, йиртиқ жул билан.

Ҳаром ишдан қочар пирлар –
Гулки сарқитидан шерлар,
Қустирмасдан қўймас, дерлар,
Қуймоқ есанг қил билан.

Ҳақ бандаси Ҳаққа чопар,
Ёмон уз феълидан топар,
Махтумқули айбин ёпар
Ош, қилич-у тил билан.

ҚАДРИН НА БИЛСИН

Харроздон⁵⁴ құлиға түшса олғир боз⁵⁵
Қанотдан айрилар, қадрин на билсин.
Бир чұпон құлиға тегса бир олмос
Чақмоқ тоши қылар, қадрин на билсин.

Фақирға муносиб сабру қаноат,
Бойларга ярашар хайру саховат,
Әшак мингандын касға түніса шохлик от,
Тұқым уриб сурар, қадрин на билсин.

Комил бұлмас ул шарбатдан тогмаган,
Воқиф бұлмас сүз аслиға етмаган,
Далли Мажнун ишкі асар этмаган
Паризол Лайлиниң қадрин на билсин.

Мажлис кириб, маъракага бормаган,
Беклик қила олмас берим бермаган,
Чұлда очлик машаққатин күрмаган,
Үйда иссиқ ноннинг қадрин на билсин.

Үттандан сұнг одам аңглар давлатин,
Билмас давлат билан үттан иавбатин,
Чекмай киши беморликниң захматин,
Бу іузал соғликниң қадрин на билсин.

Занжирни берк этиб, лангар солмаган,
Гидробга тушади ҳүшёр бұлмаган,
Кемаси құлмакда ботиб қолмаган,
Курук қаро ернининг қадрин на билсин.

⁵⁴ Тегирмончи

⁵⁵ Күш

Айрилиқ үгіда ёниб нишмаган,
Золимлар элидан үлка ошмаган,
Ватандан айрилиб, ғаріб тушмаган,
Үлкасида әлнинг қадрин на билсин.

Иигит әмас бир иқорда турмаса,
Улов қадрин билмас киши ҳормаса,
Үрлак, гала ғозлар чұлни құрмаса
Сарчашмали құлнинг қадрин на билсин.

Махтумқули айтар ёру ҳамдамға,
Келиң, дүстлар, шукур килинг бу дамға,
Зотидан сұз фахмин билмас одамға
Минг маңни сұзласанғ, қадрин на билсин.

РАФТОРИДИР

Йигит күнглига сигинган
Отнинг күрки рафторидир.
Элга, улусга хүш келган –
Ош, килич, эр гуфторидир.

Олдға қара, ортинг күзла,
Хүш сұзинг де, қаҳринг гизла⁵⁶,
Сұзлаб билсанғ яхши сұзла,
Халқ ёмоннинг безоридир.

Дүнё дароз, умр қолмас,
Ажал келса чора бұлмас,

⁵⁶ Гизла - яшіп

Не иш борин одам билмас,
Барча иш Ҳақнинг коридир.

Ўтар даврон, бермас солим,
Ҳар ким жом берса бир чалим,
Буғун даврон сурса золим,
Эрта Ҳақ ғарип ёридир.

Ўз эрким билан сўз дейман,
Келажак ризқقا гам ейман,
Жаҳонда бор ишдан ёмон
Бир мўъминнинг озоридир.

Ангамас тўғри келмаса,
Сирлашарга ёр бўлмаса,
Эл-юртда қадри қолмаса
Сўз ҳам не дардга доридир?

Махтумқули, сен дамба-дам,
Охират сари ур қадам,
Яхши-ёмон барча одам
Ажалнинг гирифторидир.

ТУМАН ПАЙДО

Келса наврўз оламга, ранг қиласар жаҳон пайдо,
Абрлар овоз бериб, тоғ қиласар туман пайдо,
Бежонларга жон кириб, очарлар даҳон пайдо,
Кўкармаган гиёҳлар кўкариб равон пайдо,
Қиласарлар ҳайвонотга ҳам суду зиён пайдо,
Ер юзига ёйилиб, юрарлар ниҳон пайдо,
Вобаста даҳон қушилар қиласарлар забон пайдо.

Чұл тарафин беркитиб, дар очар сувға харчанғ,
Замин сабзазор үлиб, таниндан айрилар занд,
Чүнбандалар маст үлиб, ітіе ичминші арақ, банд,
Хар отпенининг үзига үз овози бұлар кенг,
Сабза ичра сандувоч юз тилда қилас өханғ,
Замин Хизриүш үлиб, гул битармиш раніба-ранг,
Хурожга келиб олам, қиласлар фифон пайдо.

Суруд-у сало бирла, жақон юзи ободдир,
Үлма сурудга магрур, поёнаси бебоддир,
Хақ ишқида зинда жон, билинг, боқий ҳастдир,
Хар тандаки ишқ үлмас, рўзи азал мамотдир,
Ёз ўтпунча еру кўк, кундан кунга зиёддир,
Бир ҳашри-қиёматдир, бир ёвми аросатдир,
Даҳр ичра бұлар ҳар лам, жақон ичра жон пайдо.

Зарбофга завқи үлма, бақо йўқдир давлатда,
Умрингни бодга берма сен бу дорулмехнатда,
Етар сенга эрта-кеч не ёзилса қисматда,
Жонингта жафо айлаб бунича кезма ҳасратда,
Савоб яхни амалда ё соғ яхни ниятда,
Олам барча хизматда, одам ётиб ғафлатда,
Ҳосилинг оташ бўлгай, айласаңг ёмон пайдо.

Махтумқули, йигларман бу баҳти-сиёҳимдан,
Қўрқаман жон оғати, қўл-оёқ гувоҳимдан,
Умидим ҳосил үлмас бу умри табоҳимдан,
Жон куйди жасад ичра бу отани оҳимдан,
Қўлим очиб тиларман ҳожатим Аллоҳимдан,
Бандаман, умидим кўп ул карамли шоҳимдан,
Лайлай аросатда гул каби имон пайдо.

ОТИ КЕРАК

Ном қозонар мард йигитнинг
Аввал бедов оти керак.
Меҳмонни кутиб олмоқقا
Яхши мұхаббати керак.

Мард керак жафо чекмакка,
От керак дара кечмакка,
Супра ёйиб, нон тұқмакка
Күнгилнинг химмати керак.

Құлинг силта хомхаёлдан,
Сенга фойда йұқдир молдан,
Рұзигор үтса ҳалолдан
Орифлар сұхбати керак.

Юрисанғ хизмат қилемокқа,
Пайгамбар йұлиин билмокқа,
Дарвешлар күнглиң олмоққа
Құлида давлати керак.

Махтумқули бир гадойдир,
Барчани сақлар Худойдир,
Агар мискин, агар бойдир –
Келғанға хизмати керак.



ТОПМАССАН

Нече ишни ақл биләп жам этсанг,
Чатышган налақдек ҳисоб топмассан.
Бу жон соғлигидә хайр қозонгили,
Ер остига кирсанг, савоб топмассан.

Бунда не иш килсанг уңда қаровли,
Сен ҳам яхнилардан олавер бөвли⁵⁷,
Хали ҳам кеч әмас, эй, одам ўғли,
Олимлар камайса, адаб топмассан.

Йигирма ёшида әрнинг не ғами?
Йиқар төғү тошни эритар дами,
Бир күн ўгар йигитлигинг мавсуми,
Йиғлаб-ийілаб сұрсанг, жавоб топмассан.

Йигит бүлсанг, юргил яхни от билән,
Бедов миниб, кезгил паризод билән,
Умрингни ўқазғил жамоот билән,
Масжиди ийқилса, меҳроб топмассан.

Күринг Махтумқули, нечук хүш ўлди,
Саҳар вакти эранларга дуч бүлди,
Бир коса май ичиб, жонга нүш ўлди,
Хар күн коса тұла шароб топмассан.



⁵⁷ Ибрат, үринақ

ҚИММАТ ЯХШИДИР

Савдоғарлик қилиб бозор кезгандан
Олсанг насиҳатим – қиммат яхшидир.
Хотам бұлиб, кунда тилло бергандан,
Күнгилдан қилинған ҳиммат яхшидир.

Бир мард афзал муханнаснинг⁵⁸ юзидан,
Уруш куни санчар ғаним күзидан,
Ҳар ким тонар айтган сүзидан,
Динга мункир бўлган Язит яхшидир.

Хайрни тарк этиб, бад излагандан,
Дўст бўлиб, дўстидан сир гизлагандан,
Худони унутиб, лоф сўзлагандан –
Саксон-тўқсон яшар аврат яхшидир.

Қодир Эгам жисмимизни бор этган,
Беакладир Ҳақ ишидан ор этган,
Бемаҳал солинган бузук кўпприкдан
Жаҳанинам устида сирот яхшидир.

Беш вақтни баржой қил мусулмон эсанг,
Билиб охиратинг ғамини есанг,
Жонинг борлигида хайр қозонсанг,
Ётар жойинг роҳат – куммат⁵⁹ яхшидир.

Сўз маъниси чиқар бир яхши жойдан,
Бехабарлар айро тушар Худойдан,
Беш вақтни билмаган бехабар бойдан
Эрсиз, пирсиз лўли аврат яхшидир.

⁵⁸ Хунаса, гермофродит

⁵⁹ Чўпонлар ётадиган тўшиқ

Махтумқули, күрдинг яхши-ёмонни,
Ёлғончининг бўлмас аҳд-у-имони,
Бир оқ уй⁶⁰га борсанг олмас меҳмонни,
Хар кимнинг ўз эли – уммат яхшидир.

КЕТУВЧИ БЎЛМА

Кел, эй, кўнглим, сенга насиҳат қиласай:
Ватанин тарқ этиб кетувчи бўлма!
Ўзингдан паст бўлган ғайри номардининг
Хизматинда қуллуқ этгувчи бўлма!

Хизмат қилсанг бўлсин бир аслзода,
Ота-бобосиндан бегу бекзода,
Ҳарчанд агар бўлса очу афтода,
Ёнидан бир замон кетувчи бўлма!

Окмайин қолмасдир бир оқсан ариқ,
Бир танды одамки, семиз ё ориқ,
Бир юзи чириклир, бир юзи ёргуғ,
“Чирик” леб қаттиқ сўз айттувчи бўлма!

Яхшилардан ҳаргиз чиқмас ёмонлик,
Асли ёмон бўлса, бермас омонлик,
Аслига тортади покиза қонлик,
Покликни попокка сотувчи бўлма!

Бир насиҳат берай, пандимни олсанг,
Имтиёз айлагил ўтиранг-турсанг,

⁶⁰ Уз юртидан баларға қилиниб, бошқа юртга мажбур кўчирилган оила,
оқ уй спёсати.

Индамай хабарсиз бир жойга борсант,
Кипи ошын тузин төгіувчи бүлма!

Чақирилган жойга ҳеч бора күрма,
Чақирмаган жойга күринма, борма,
Уятсиз кишидек суқилиб юрма,
Буюрмаган ишни этгувчи бүлма!

Агар сен ҳам бүлсанг юмшоқ, мулойим,
Сен мулойим бүлсанғ, қулинг бүлойин,
Қулогимга берган пандинг олойин,
Кишига қаттиқ сүз айтгувчи бүлма!

Нам түшмаса құқдан, ер най құтармас,
Йиғилса минг қайғу бир иш битирмас,
Әр йигит күнглига қайғу келтирмас,
Номард үғли каби қайғучи бүлма!

Марл үғлидир, әлга ёзар дастурхон,
Тұгри сүз устида берар шириң жон,
Умрини үтказиб демасдир ёлғон,
Жаҳд айлаб, ёлғон сүз айтгувчи бүлма.

Сахт дил құкраги ҳарғыз бүш бүлмас,
Ҳар неча қатланса, күнгли хүш бүлмас,
Бир-бировта икки яхши дүч бүлмас,
Яхшини ёмонга чатгувчи бүлма.

Таваккул⁶¹ нор эрур, аңдиша – моя⁶²,
Күнглингни юборма ҳар қайси жоя,

⁶¹ Сүяниш

⁶² Урғочи туя

Барчанинг ишончи қодир худоя –
Ундан ўзгани ёл эттүвчи бўлма.

Ёвқур бўлсанг ўқ ур нафсинг кўзига,
Боққил чин кўз билан Мусҳаф⁶³ юзига,
Алданиб кирмагил шайтон сўзига,
Аллоҳнинг амрини қўйгучи бўлма.

Агар десанг енгил бўлсин оғирлар,
Малҳам бўлки, битсин бирён багирлар,
Йўлиқса кўзингта почор сагирлар,
Уларнинг ҳолига кулгучи бўлма.

Кичикликдан ибодатга бўйин қўй,
Қиёматнинг ўйин қиласанг, ўйин қўй,
Тарқ этиб дунёни, завқин-тўйин қўй,
Кир фано йўлига, қайтгучи бўлма.

Урилганиман дема, тоинг-ла тўқмоқ бор,
Ҳисоб-китоб бору, вазну сўроқ бор,
Ёлғончи бандамиз, сонсиз дурӯғ⁶⁴ бор,
Билиб туриб ёлғон айтгувчи бўлма.

Май иссанг мартаба ҳазор ҳашрда,
Ўтни ур Каъбага тариқи ганжда,
Куръонни куйдириб, бугта қил сажда,
Мардумга озор иш эттүвчи бўлма.

Гар тоиссанг дунёда мулки Искандар,
Қоруннинг моли ҳам бўлса мұяссар,

⁶³ Қуръон

⁶⁴ Ёлғон

Охири бўларсан ерга баробар,
Кўнгилда манманлик этгувчи бўлма.

Агар чанди бўлсанг ҳам соҳиби мансаб,
Сўзин тингла, кўнглин этгунча танглаб,
Сўз топсанг сўзлагил, йўқса тур тинглаб,
Кўлдан келмас ишни этгувчи бўлма.

Тонг отса муллалар чақира пар аzon,
Бузилмасдир харгиз қисматда ёзғон,
Йигитлик бўстондир, қарилик – хазон,
Тасбехдан ўзга сўз айтгувчи бўлма.

Лейдилар: “Йиртиқ тўн кўрса ит қопар,
Феъли ёмон банда Худодан топар”,
Охири бир куни қиласан сафар,
Тор кўнгил феълини тутгувчи бўлма.

Китобин очибои ўқиб мулла дер:
“Кўкаради ёмғир суви бирла ер,
Олқину фотиха, дуо бирла эр”,
Мазлумга ситамлик этгувчи бўлма.

Иzzат этган билан киши бой бўлмас,
Ҳар неча қатланса, мулки шай бўлмас,
Жаҳонни тарқ этмай, кўнгли жой бўлмас,
Жаннатда жойингдан кетгувчи бўлма.

Қарилик келгувси, бир кун офати,
Йигитлик кетгувси, бир кун қуввати,
Ганимат бил, гофил, бу дам – фурсати,
Мурдадек узалиб ётгувчи бўлма.

Итнинг боласини туллаш оздирар,
Хожаси кечирар, банда ёздирадар,
Армутоқ боласи бора ўзлирадар,
Баңдасан, хожанита ёзгичи бўлма.

Давлатли ўғиллар ёшида бош бўлар,
Бедавлатлар қирқида ҳам ёши бўлар,
Бераҳим золимнинг бағри тош бўлар,
Борар жойга кесак оттувчи бўлма.

Эр ўғил боласи бора бек бўлар,
Қамчининг остида ёмон эп бўлар,
Маърака кўрмаган йигит не бўлар?
Келар-келмас сўзни айтгувчи бўлма.

Мўминининг кинаси – ювган рўмоли,
Қуриганча бўлар эмиш мисоли,
Кўнглинигни кинадан айлагил холи,
Куфрдек кинани тутгувчи бўлма.

Эй қўнгил, келтил сен, Ҳақни топайлик,
Нафсимиз маркабин миниб чонайлик,
Деминилар: “Ҳақ эмиш меҳру вафолик”,
Шу сўздан сен ҳаргиз қайтгувчи бўлма.

Ҳақ эмиш баңдага яқиндан-яқин,
Ким насиб айласа муҳаббат чақини,
Жо-бажо келтир сен баndlалик ҳақини,
Хожанинг буйруғин қўйгувчи бўлма.

Мен дедим бир неча панду-насихат,
Билсанг насихатдир, йўқса фасихат,

Фасиҳат билмагил, билгил насиҳат,
Ёлғончи сўзларни айтгувчи бўлма.

Мақсад – бу сўзларни қилгил эътибор,
“Умдат-ул умаро”, “мехтар”, “иноқ”⁶⁵ бор,
Англамай сўзлама: “Томда қулоқ бор”,
Ич сиринг кипшига айтгувчи бўлма.

Махтумқули, дилла кўпдир армони,
Топмади оқибат дардга дармони,
Етишар бир куни Тангри фармони,
Рўзу шаб ғафлатда ётгувчи бўлма.

ЙИҚМАГАН ЭРДАН

Ҳеч кўнгил шодлиги чиқмас
Бир кўнгил йиқмаган эрдан.
Яхшилик тамаъси қилманг
Ёмонлик чиқмаган эрдан.

Кимса элга беклик қиласар,
Бир мушт билан йўлга солар,
Кадхудолик йироқ бўлар,
Қаттиқ сўз айтмаган эрдан.

Яхши эр эл айбин очмас,
Кўра-била ҳаром ичмас,
Яратган ёзигин кечмас,
Кўз ёшин тўкмаган эрдан.

Тұхтамиди чарх үзгарар,
Замон үтар, нарх үзгарар,
Давлату салтанат кетар
Бир шохға боқмаган әрдан.

Қучокларда ясов куни,
Шер итга бермас овини,
Найғамбар безор ёв куни
Йұлдошға боқмаган әрдан.

Ұз-үзидан ақли етмас,
Оқиілларнинг сүзин тутмас,
Йүқсілік йүқ бұлиб кетмас,
Үн иш⁶⁶ тарқ әтмаган әрдан.

Махтумқули, ёңгил, ўчғил,
Е лол үгір, ё дур соғғил,
Бир күйруқсиз итдір, қочғил,
Насихат юқмаган әрдан!

БОШИ КЕРАКДИР

Сипоҳ бұлиб отта минған ҳар әрдан,
Ақли әмас, кестан боши керакдир.
Бир мусулмон қоңса икки коғирдан
Калласига саңғар тоши керакдир.

Мард улдирки, бұлса күнгли раҳмли,
Гавдаси кеңг бұлиб, үзи фаҳмли,

⁶⁶ Қисаси Рабғузийдан

Кенг ерда қарғадек бұлсин ваҳмли,
Құлида хунари, иши керакдир.

Қоплондек бүкириб кирса майдонға,
Тулки каби бози берса ҳар ёнга,
Турганда қоядек туриб мардана,
Олар жойдан от солиши керакдир.

Йигитнинг хаёли бұлса саринда,
Чиқар бир күн чүкиб қолмас қоринда,
Хийла ҳам ботирлиқлір әрур еринда,
Уни түгри әнлар киши керакдир.

От керак қочарга, құвса етарға,
Ёвни ҳуркитарға, тирик тутарға,
Майдонда санғимай ҳар иш битарға,
Йигирма, үттизми ёши керакдир.

Бургутқушдай қанот қоққин ўнгирдан,
Муханнаслар кечар жондан, ўғилдан,
Ёвни қүйдек қалтираттан бўридай,
Эр йигитнинг мард йўлдоши керакдир.

Махтумқули, мард йигитлар чопилиб,
Кўк томирдан қирмиз қонар сепилиб,
От солғанда тўнғиз каби тўпилиб,
Йулбарс каби ташланиши керакдир.

МАЙДОН УЧРАСА

Бедов ўлса майдон қолар армонли,
Хақ ишқида от сол майдон учраса.
Эр ўлса гар, ҳантом қолар давронли,
Вактингни хуш кечир, даврон учраса.

Йигит борки, латтачайнар, дарбадар,
Йигит борки, дами тоини эритар,
Үз ўрнида гайри қолса қарилик,
Марл йигитнинг оти чаман учраса.

Иппи маъқул эмас кўнгли, жонига,
Лаб тишлаб, “ох” деб қолади занига,
Илон заҳри бўлиб кирап танига,
Йигит қарир хотин ёмон учраса.

Юз номард ўрнини тутмас бир марднинг,
Мард тортар дардини элининг, юртнинг,
Битирган ишини кўринг номарднинг,
Жон дебон қочади туман⁶⁷ учраса.

Махтумқули, ўғит бердинг сўз билан,
Эшитган тенг бўлмас кўрган кўз билан,
Марл чиқар меҳмонга кулар юз билан,
Номард ўзин тортар меҳмон учраса.

⁶⁷ Туман – оғир юқ маъносида

ТЕПА НАДИР, ТУЗ⁶⁸ НАДИР

Етти ёшли араби от шаънида,
Маълум бўлмас тепа надир, туз надир.
Бўйга еттан мард йигитнинг ёнида
Эллик надир, олтмиш надир, юз надир.

Номард ўғли қўркиб қочар майдондан,
Огоч “одам” бўлиб тураг ҳар ёндан,
Муҳаннаста йўл бермагил ялангдан
Ажратолмас туман надир, тўз⁶⁹ надир.

Сипюҳ бўлиб минар отин билмагай,
Ориф бўлиб ўз иззатин билмагай,
Суҳбат ичра сўз лаззатин билмагай,
Линглай олмас мажлис надир, соз надир.

Қарға қочар бўз қарчиғай жангига,
Кўринолмас ул майдоннинг тангида,
Оч қарчиғай, олғир лочин ўнгида
Минг йигилсин ўрдак надир, гоз надир.

Махтумқули, сўз тошади тилингдан,
Муҳаннаста йўл бермагил дилингдан,
Бу хунарлар келар-келмас қўлингдан,
Тилдан келар бир журъатли сўз надир.

Туз – дашт

⁹ Тўз – тўзон маъносидаги

ГУЛ БҮЛГИЛ

Бир бедавлат элнинг беки бўлгунча
Давлатининг гулзорида гул бўлгили!
Ноасил бек хизматида қолгунча
Асила бекнинг эшигида қул бўлгили!

Ёмоини қўй, яхшиларга қўз илдир,
Қорақўниз ўғлини “ошоғим”, дер,
Қарғиш олган бўрилардан узоқ юр,
Қўй мисоли чор тарафга эл бўлгили!

Сураймонсан, мўрга бир қулоқ қўйгили,
Сўзин тинглаб, жавобинигни сўнг айтгили,
Ҳоким бўлсанг ҳалқни қўёшдек чайгили,
Оқарда сув, ё эсарда ел бўлгили!

Не ишдандир – ётиб, нафсинг басласанг,
Аҳмоқликдир ўзингни қўз-кўзласанг,
Ҳар бозорда равоч булмоқ исгасанг
Яхшиларнинг чўнтағида пул бўлгили!

Махтумқули, бордир даминг ҳасиби,
Етар бир кун ҳар банданинг насиби,
Инсон бўлсанг қўйгили қуруқ тавсифи,
Яхши-ёмон, барча элга дил бўлгили!

ЁМГИР ЁГДИР, РАҲМОНИМ

Сен қодир худолан тилак тиларман,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!
Ғарибман, ғамгинман, иолиш этарман,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Қодир Аллоҳ тўккин нусрат борони,
Экиннинг ҳамдасти, ернинг ёрони,
Ер-у-кўкнинг, Аршининг, Курснинг субҳони,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Булбуллар маст булиб, олам ёйилсин,
Қайғулар даф булиб, ғамлар соврилсин,
Нўширавон давридек вақт чоғ ўлсин,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Рахматинг эшиги Аршдан очилсин,
Нуринг тушиб, ер юзига сочилсин,
Ғубор кўчсин, олам гарди даф бўлсин,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Олам тақдир қилас – Ҳақнинг фармони,
Жаҳонни баст гайла, чиқсин армони,
Сендан бўлар дардлиларнинг дармони,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Банда-бечораман, не борлир менда,
Раҳимсан, раҳмонсан, карам кон сенда,
Караминг бўлмаса, қолдир дармонда,
Раҳминг келиб, ёмгир ёғдир, раҳмоним!

Дарғоҳдан тиланар нолишли қуллар,
Муножот айлаюб очилар тиллар,
Ёмонлик йўқолиб, яшинасин эллар,
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, раҳмоним!

Махтумқули, ишқинг айлар ирода,
Ишқинин комил эт, қўйма орада,
Етказгин мақсадга, маҳшар-мурова,
Раҳминг келиб, ёмғир ёғдир, раҳмоним!

ДЎНАР

Ўлкада соҳиб бўлмаса
Арбоблар амирга дўнар,
Уч йил шерга учрамаса,
Тулки, шогол – шерга дўнар.

Қаҳба фалак қошиқ солар,
Бирга бериб, бирдан олар.
Ҳар кимга бир навбат келар,
Ўлка оғар – ерга дўнар.

Шер ҳар чоғда бир ов қилар,
Дер: “Овимга ким қўл қотар”,
Фил бурнин фалакка тутар,
Карғ кўрса хамирга дўнар.

Ажал етар, одам туймас,
Лаврон ўтар – умр тўймас,
Тулки сарқитин шер емас,
Гар еса заҳарга дўнар.

Дарл – юракда бир ўг бўлар,
Сўз – жаҳонда бир от бўлар,
Фақирга оинно ёт бўлар,
Бойиса ёт ёрга дўнар.

Мардлар жангда – тўй ичида,
Оч бўрилир қўй ичида,
Номард кўрқар уй ичида,
Борсанг хира-хирга дўнар.

Махтумкули, будир дардинг,
Соҳиби керак ҳар юртнинг,
Шер зарбин кўрмаган итнинг
Ҳар мурти бир тирга дўнар.

КЕЛГАЙ

Мусулмонлар тиг урса бир-бирига
Давлат кетиб, динлар нуқсонга келгай,
Зулм айлаб, бир-бирин олса асирга
Фалак бу фикрдан пушмонга келгай.

Бир-бирин чопмок эрмас эрликдан,
Бу иш шайтонийдир, балки кўрликдан,
Оғзолалик айрап элни бирликдан,
Давлат кетиб, навбат душмонга келгай.

Урф-одат йўқолли, бир хасиб қолди,
Ёмон яловланди, йўл кесиб қолди,
Шариат ҳеч бўлди, таассуф қолди,
Замонанинг завқи шайтонга келгай.

Тингла, маскан туттан киши чўлларда,
Тасаддуқ камайса улуғ элларда,
Халқ устига оғир туштан йилларда,
Хасталик кўнайиб, қасд жонга келгай.

Мусулмонсан, пок бўл оби зилолдай,
Қочавер ҳаромдан, иста ҳалолдан,
Ўлчовин кичрайтиб, тўймаган молдан,
Баракаси кўчиб, осмонга келгай.

Сўзимни тинглагил, олгил қулоққа,
Муродим – насиҳат қилмоқдир ҳалққа,
Қозиси англамас, беги пес ўлка,
Ёмғир ёғмай, ерлар қатронга келгай.

Шаррга шухрат бермоқ – шайтоннинг кори,
Қаҳрин ютмоқ эрур Раҳмоннинг кори,
Кўпайса хар элнинг сари-саркори,
Низоми бузилиб, вайронга келгай.

Парварлигор ўзи факирга паноҳ,
Ул кимдир, бўлмагай тилида сано,
Қайси вилоятда кўнайса зино
Замин жунбуш айлаб, ларзонга келгай.

Махтумқули, турсам сўзим сочишга,
Англамаслар юз тутарлар қочишга,
Ҳар эл одат қиласа шароб ичишга,
Бало-қазо ўшал маконга келгай.

АРШИ АЪЛОЯ

Ё Аҳмадшоҳ, ерда ёйилиб човинг,
Номинг осмон кетар Арши аълоя.
Келгаш навқарингдир, келмаган овинг,
Зафар зинасидан чиқ поя-поя.

Эронга қилич ур, юрит сипоҳи,
Бошингда тож бўлсин давлат кулоҳи,
Хумоюн тоғида шерларнинг шоҳи,
Гуё бир наҳангсан мавжи дарёя.

Ўрмон ичра ов қил, шерлар шерисан,
Румистон бўйнисан, девнинг бирисан,
Зол ўглининг олмос пайкон-тирисан,
Гуштасп ўғли каби балли балоя.

Пешинг Эрон бўлса, пуштинг Турондир,
Дўст ишингга хушвақт, душман ҳайрондир,
Иқболинг очилар, ишинг даврондир,
Марҳамат назаринг солсанг бир жоя.

Фирогий дер: ривож топтири сен динни,
Шоҳларнинг шоҳисан, исломнинг зеҳни,
Амрингга бўйсундир Эрон заминни,
Руз-у-шаб нолиним будир Худоя.



ЧОВДУРХОН УЧУН

Ахмад подиipoҳдан хабар олмоққа
Умид этди эллар Човдурхон учун.
Соғ-саломат бориб қайтиб келмоққа
Унмади иқболлар Човдурхон учун.

Боғлар сұлиб, ёмғир бермади осмон,
Булуғ бавл солди, бу дардга армоп,
Замин зое бўлди, фалаклар фармон,
Жанинат бўлди чўллар Човдурхон учун.

Қазонинг қаҳри бу – парин синдирса,
Фалак хаёл қилди – маҳрин индирса,
Дарё жўшга келди – сувдан қондирса,
Мунитоқ бўлди кўллар Човдурхон учун.

Изингда бўлдилар эл интизоринг,
Умид билан юрди Аннахол ёрининг,
Отаназар бўлди чекарга зоринг,
Кўзлай-кўзлай йўллар Човдурхон учун.

Борса, пойи аниқ султонда, хонда,
Эли билмай қолди армони жонда,
Қазодир, қисматдир Яздда, Кирмонда,
Магар тортди қонлар Човдурхон учун.

Қуръалар гунг бўлди, фоллар шум бўлди,
Борғанлар банд бўлди, йўллар бум бўлди.
Чашмалар хушк бўлди, тошлилар мум бўлди,
Гуё бўлди тиллар Човдурхон учун.

Сүйла, Махтумқули, олам билсиналар,
Жойи жаниатдадир гувоҳ бўлсиналар,
“Ҳақ раҳмат этсин!” деб, дуо қиласиналар,
Тамом улус эллар Човдурхон учун.

ДЕДИЛАР

Эй, ёронлар, ёзуз достон битилди,
Бир гулак фонийдан кечди, дедилар.
Охирзамон бўлди, офтоб тутилди,
Ой-куннинг шуъласи қочди, дедилар.

Ногаҳон учради айрилик дони,
Сайдим Тархон чекар дарду-фирогин,
Умрининг ҳосили – нурсиз чироги
“Боди-хазон уриб, ўчили”, - дедилар.

Кетди Авазгелди, яна зур зотлар,
Бузилди сухбатлар, гам бўлди шодлар,
Қардошлар, сирдошлар, яқинлар, ётлар,
Қора кийиб, қон йигланиди, дедилар.

Бедов отли, бес камарли, яроқли,
Давлати, зийнати молига боғли,
Уйи меҳмон тўла бир эр - атоқли,
Бир баланд ўрдаси чошли, дедилар.

Яккалик ҳасрати бошдан ўтармиш,
Ўғисизлик барча ишдан баттармиш,
Зурриётсиз эрнинг ўрни йитармиш,
Юрти йўқ, карвони кўчди, дедилар.

Махтумқули, Туркистоннинг тўраси,
Бир гўлакдир Суюнхоннинг сараси,
Йигит кўрки, ёв кунининг ўраси,
Ушбу қаро ерни қучди, делилар.

МОЛГА ҚАРАМАС

Аввало мол яхши, молдан бош яхши,
Бош давлатин топган молга қарамас.
Ноқобил ўғилдан дўғон даш⁷⁰ яхши,
Нодон ўғил ота уйга қарамас.

Отда оёқ бўлса, бошқа сийин бўлмас,
Эрда ғайрат бўлса иши қийин бўлмас,
Жангга кирса муханнасада ўйин бўлмас,
Ерга қарар, ўзга сўйга қарамас.

Оломон олдини - сардори бошлар,
Мард йигитлар найза урар, қиличлар,
Кимса одам йиқиб, кимса от қўшлар,
Обрўйин топмаса, пойта қарамас.

Ёр-лўстдан кечарлар одам оч қолса,
Ёр-ёрдан айрилиб ора бўш қолса,
Ёмон хотин яхши эрга дуч бўлса,
Ёниши тарк этар, тойга⁷¹ қарамас.

Кўхна дунё муханнаснинг уйидир,
Судхўр бўлса ўтили дўзах жойидир,

⁷⁰ Дўғон даш -- тутингани оғайни

⁷¹ Хамрок

Олтин-күмүш күзларининг мойидир,
Мард йигитлар бузуқ жойга қарамас.

Дунё күрки нозанинлар, не жонлар,
Нодонга йўлиқди турфа жононлар,
Эрдан қолган, эри ўлган жувонлар
Мард йигитни кўзлар, бойга қарамас.

Махтумқули, гариб кўнглин бой қилиб,
Қаноат ўлкасин дилга жо қилиб,
Ҳар ким ўз ёрини янги ой билиб,
Ойин кўзлар, бошқа ойга қарамас.

ЁР КЕРАКДИР

Манман деган мард йигитта
Бир муносиб ёр керакдир.
Араб от, ёвли йигитта
Олмос зулфиқор керакдир.

Йигит улдир – чин устида,
Жонин берса дин устида,
Мард йигитлар эл устида
Номус билан ор керакдир.

Беш кун кўнглинг хуши этишга,
Супра ёйиб, нон тўкишга,
Обру или ном чикишга,
Қулларида бор керакдир.

Макка борган бўлар ҳожи,
Лйрилик ўлимдан ожи⁷²,
Мард йигитта – дин қиличи,
Ошиққа дийдор керакдир.

Орттириди қўк оху зоринг,
Олар қўллан ихтиёринг,
Махгумқули, севар ёринг,
Қора зулфи, тор керакдир.

МОЛ ЯХШИ

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган
Одамлардан ўглаб юрган мол яхши.
Сўзлаганда сўз маънисин билмаган
Одамлардан сўзлолмаган лол яхши.

Худойим сақласин шаррдан, қаҳрдан,
Миннатли иш аччик бўлар заҳардан,
Эй, ёронлар, бир бозорсиз шаҳардан
Хувиллаб ётган бир қақроқ чўл яхши.

Ҳар кимниңг ўзига Мисрдир жойи,
Ёдидан чиқмайди байрами-тўйи,
Жон соғлигин бўлмас ҳеч тенгу-тойи,
Оқшом ётиб, тонѓда шукрин кил яхши.

Бир бевафо ёрга қулиб боққандан,
Ширин жонни ишқ ўтига ёққандан,

⁷² Ожи - аччик

Ёт элларда мусофирик чеккандан,
Урса, сүкса, хўрласа-да эл яхши.

Махтумқули, сўзлагил сен ҳар бобдан,
Бу дунё туттиришас, чирикдир тубдан,
Охири қовушмас қуруқ, бад гапдан
Кетидан шувиллаб чиқсан ел яхши.

ЮРАР БЎЛДИ

Эй, ёронлар, мусулмонлар,
Жабрда юрап бўлдик.
Неча заҳмат чеккан жонлар,
Жафони кўрап бўлдик.

Жаҳон кенгдир, маломат кон,
Уртала куйди ширин жон,
Устимизда раҳмсиз хон,
Белга охир ураг бўлдик.

Озибди кўкланг хонлари,
Кўп кўрап бизга ҳолларни,
Қўймай олди бор молларни,
Кўзни тикиб тураг бўлдик.

Махтумқули, аяма жон,
Офат келгай қўша ҳар он,
Ҳалдан ошиди бу золим хон,
Охири тўр қураг бўлдик.

БҮЛАРСАН

Баланд төглар, баландликка ионима,
Гүдозда сув бүлган зер⁷³дек бүларсан.
Теран дарё, ҳайбатингта қувонима,
Вақтинг етса, қуриб ердек бүларсан.

Тоғларнинг арслони, бобур-фаланги,
Бир куни тенг бүлар фил-нашина жанги,
Мажмагул-Бахрайн, Нилнинг наҳанги,
Гӯшига урилган хардек бүларсан.

Қиёматдан бир сўз дедим боёқда⁷⁴,
Қаров бор ўринсиз теккан таёқда,
Золимлар хор бүлар, қолар оёқда⁷⁵,
Ғариф, сен йиглама, шердек бүларсан.

Яхни бедов мингани, хуб маҳбуб қучган,
Бирга ола билмас боқийга кўчган,
Ул номард кишиким имонсиз кечган,
Имон билан борсанг, нордек бүларсан.

Яхшилар ёнида юргил сен ўзинг,
Дур бўлсин доимо сўзлаган сўзинг,
Олимлар-ла бўлсанг, очилар кўзинг,
Жоҳиллар-ла бўлсанг, кўрдек бүларсан.

Луқмон каби дардлар дармонин қиласанг,
Сулаймондек девни фармонга солсанг,

⁷³ Паст

⁷⁴⁷⁵ Боёқда – тепада, юқорида

⁷⁵ Оёқда – оёқ остида демокчи

Искандардек ернинг юзини олсанг,
Ер-ла яксон булиб, ердек бўларсан.

Махтумқули, қараб сўзла ташингни,
Жойин билиб сарф эт нону-ошигни,
Комил топсанг, йўлида қўй бошингни,
Эр изидан юрсанг, эрдек бўларсан!

ОХИРЗАМОНА

Кўнглим айтар, дўстлар, айлайн баён,
Билмайман, яқинми охирзамона.
Дунё деб шариат бўлганда пайҳон,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Муллалар илмига қилмади амал,
Шариат ишини айламай жадал,
Феълимиз бузилиб, кўтайди касал,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Муфтилар мол олиб, ривоят берар,
Ноҳақ пулни олар, ҳакни куйдирав,
Феъллари бузилиб, фасод кўпаяр,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Раис бўлган тобелардан пул олар,
Бермаса буйнига қил арқон солар,
Гуноҳлар кўпаяр, шариат қолар,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Эшонлари қазо айлар намозин,
Ғафлатда үтказар қиши билан ёзин,
Ёлғон сұзлаб, әлдан олар ниёзин,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Сұфилар нағс үчүн малла түн кийиб,
Шұбҳали таомни ҳалол деб ейиб,
Шайтон феъли бирла каромат дейиб,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Шайх бұлғанлар назр узра чүкишиб,
Бир пул үчүн зану фарзанд сүкишиб,
Валий әшигіда ҳақын бўлишиб,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Хўжалар фахр этар асл зотини,
“Қиём Исомиддин” қўйиб отини,
Фалон кас “хўжа” деб ҳам авлодини,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Калхудо бұлғанлар тўғри сўзламас,
Пора олар, лекин Ҳақни кўзламас,
Ноҳақ гувоҳ бўлар, даъво тузламас,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Бойларда қолмади хайру-саҳоват,
Дунё деб кезарлар бўлмай фароғат,
Ғариблар бойлардан кўрмас кифоят,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Үғли хушрўй бўлса бўлар эмиш шод,
Гўёки давлати бўлгандек зиёд,

Кун-кундан дүнёда күпайди фасод,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Қиз-жувонда йўқлир ҳаёдан асар,
Йигитлар қиз билан ўйнашиб кезар,
Ёмон иш күпайди кун-кундан баттар,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Замона ишлари ёмон бўлибди,
Жаҳон ичра фасод ишлар тўлибди,
Феълимиз кетибон, ранглар сўлибди,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Бойлар закот бермай, бўлибди сулхўр,
Эл ичра кўпаймиси ҳосид-ҳасадхўр,
Умр ўтиб, ғафлатга бўлибмиз мағрур,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Гуноҳлар кўпайиб, йўқолди савоб,
Қўрқарман, бу жаҳон бўлар деб хароб,
Касб қилиб сотарлар ароғ-у-шароб,
Билмайман, яқинми охирзамона.

Махтумқули, бунча қиммоқ ҳикоят,
Оқилларга шояд бўлгай кифоят,
Дунёнинг ишига йўқлир ниҳоят,
Билмайман, яқинми охирзамона.

БҮЛМАЙДИ

Икки тоғнинг ларахтининг бошини
Губи бир бўлмаса чатиб бўлмайди.
Муаллақнинг оғир-харсанг тошини
Қўл билан кўтариб отиб бўлмайди.

Асли калта бўлмас баланд минора,
Ёмон хотин тушса бир яхши ёра,
Бошин кесиб, қонин тўкиб канора,
Ё ўлдириб, ёки сотиб бўлмайди.

Эл ичида сенинг улгайса отинг,
Сени ёмон кўрмас яқининг-ётинг,
Қўлингда бўлмаса бирон бисотинг,
Меники деб, бошин тутиб бўлмайди.

Фақирлар мол дейди, бойлар зар дейди,
Якка эшакли: “От бер, туж-нор”, дейди,
Дунёдан тўймок йўқ, “Яна бер” дейди,
Кўнгил мақсадига етиб бўлмайди.

Ҳар ким қўлин очар фоний жаҳонга,
Согликда жафо бер бу ширин жонга,
Дунёга дил қўйтган - қолар зиёнга,
Дунёни ҳаргиз дўст этиб бўлмайди.

Кўр фақирлар: “Кўзим!” дейди кўрмаса,
Оқсоқлар оёқсиз туриб юрмаса,
Ҳар кимнинг истагин Тангри бермаса,
Бориб: “Менга бер!” деб тутиб бўлмайди.

Махтумқули, насиҳатим бұлмаса,
Сендан әмас ҳар ким қулоқ солмаса,
Йигит құнгли сүйганини олмаса,
Тинчланиб, роҳатда ётиб бұлмайди.

ТҮН БҰЛСА

Тан ёнишга қуйлак истар яланғоч,
Куйлакли дер: “Вах, устидан түн бұлса!”
Беш пулни деб, Ҳақдан тилар қорни оч,
Бешин топса, орзу қилар – үн бұлса!

Ул йигитки, ичи тұла ҳасрати,
Сафарлик юклашга бұлса давлати,
Ва ёнида бұлса яроғи-оти,
Яна дерки: муфт, тугамас нон бұлса!

Құп нон топиб агар бұлса құнгли шод,
Гұзал қиздан маҳбуб истар ҳам авлод,
Бу давлатни пайдо қылса одамзод,
Құнгли истар улуг юртта хон бұлса!

Ҳам хон бұлса, ҳам дунёси той бұлса,
Ҳам үлмаса, ҳам асбоби шай бұлса,
Ҳам бермаса, ҳам беҳисоб бой бұлса,
Яхши номи ҳам дунёда донг бұлса!

Махтумқули, құриб душман таънасин,
Мард улдир, шод тутса ғамдан сийнасин,
Ер юзи тұлдирмас құзнинг хонасин,
Қорун каби неча газнанг кон бұлса!

ОТ ЁНИДА БИЛИНАР

Эшак ўзин кам тутмайди бедовдан,
Киймат этсанг, от ёнида билинар.
Бедов дегач, ҳамма бедов teng бўлмас,
Чин бедовлар майдонида билинар.

Ёшлигингда билмас эдинг, бек эдинг,
Ёмонга ҳеч ўтмас сўзинг, ўгитинг,
Ориф бўлсанг, аслин сўрма йигитнинг,
Алаб, иззат-икромида билинар.

Бу жаҳонда тўймас кўзинг, сир бўлмас,
Хар тулкидан йўлбарс бўлмас, шер бўлмас,
Йигит дегач, ҳамма йигит эр бўлмас,
Мард йигитлар меҳмонида билинар.

Давлат қўнса мард йигитнинг бошига,
Химоятли эли керак қошида,
Йигит ўзин маълум қиласар ишида,
Қиличида, забонида билинар.

Махтумқули, ғарибларнинг кўз ёни,
Тоғларни ёндирап, эритар тошни,
Фақирга жабр этмоқ золимнинг иши,
Рўзи маҳшар девонида билинар.

ШОЛ ТОПСА

Эгасига ихлос қилган чин мардон,
Инак ҳавасини қилмас шол⁷⁶ топса.
Дунё моли, иши учун саргардон
Күнгил қувонч этар ортиқ мол топса.

Ҳамсафарлар бир-бирига сұянар,
Хавфли жойда ёттан тез-тез уйгонар,
Қароқчилар карвон күрса қувонар,
Кема топмаганлар сувда сол топса.

Қари одам тани бұлур бедармон,
Йигитликни әслаб чекади армон,
Әшатин хүржинин безар ногаҳон
Бечора чупонлар ёқут-лаъл топса.

Жон хавфидан бұлар ақлли ҳайрон,
Кашмир морин күрса, қочади тайрон,
Шер сиртлонни күрса, фил-чи – каркидон,
Ёғоч күртдан күрқар, ковун хол топса.

Мардан тилак қилған поумид бұлмас,
Номардіа тушған иш маълум, қайрилмас,
Парвона ўт күрса жон деб айрилмас
Симоб қизил топса, магас бол топса.

Уй қуради киши тан-ватан учун,
Инсон яшар ўғил-қиз-у зан учун,
Оқ нулни сақларлар кора дам учун,
Хүш кезарлар қизил, яшил, ол топса.

Махтумқули, юз минг күйлар, күчалар,
Лайтадилар: "Даврон биздан күчарлар",
Хақ, поҳақдан давлат топиб нечалар,
Сарф қилингга жойин топмас мол тоңса.

ИШ БҮЛМАС

Кел, күнглим, сидқ ила ёлбор Аллоҳга,
Яратғандан ҳеч яширин иш бўлмас.
Ризқ бир миқдор эрур шоҳу гадога,
Қалам бирдир, бунда ёзган беш бўлмас.

Нечалар йўрғалар кеча ётмасдан,
Бирор ётар, уйдан жафо тортмасдан,
Таклири азалдан ҳартиз ортмасдан,
Юрган оргик бўлиб, ётган бўш бўлмас.

Бир мард йигит ёлғон дунёга келса,
Қурол-яроғ, иону дастурхон бўлса,
Ва боз унда обру ҳам имон бўлса,
Етмиш, саксон, юздан ортиқ ёш бўлмас.

Кимса бор давлатманд, кимса бор гариб,
Кимса бор хайр этиб, закотин бериб,
Кимлардир умрида бир ион леб юриб,
Ва яна кимларда тўшак, ош бўлмас.

Махтумқули, бу кунингга шукр айла,
Аллоҳнинг құдратин күриб фикр айла,
Ризқ учун ғам ема, Ҳаққа зикр айла,
Азалдан ёзилган сендан там бўлмас.

КЕТАР

Күп номардга мол берисан, дун-лунё,
Күзи күкда, қайғуси йүқ, сайдар этар.
Қани ақлинг? Үтга тушиб ён, дунё!
Не мардлар бор, йүқсилликда хор кетар.

Оз умрингни сурсаң алвон ишратда,
Сүңг шириң жон қолар узун ҳасратда,
Аҳмоқлар бу ерда қолар ғафлатда,
Оқил бўлган ўз ғамини ер кетар.

На тўғри келганга маҳринг индиридинг,
На бир келмаганга совға қўндиридинг,
Ҳеч фарқи йўқ сенда мардининг, номардининг,
Арслон ўтар, тулки қочар, шер кетар.

Фойда тилаб келган дунё шаҳридан,
Жонин бериб, қуриб қолар қаҳридан,
Дунё мордир, ул илоннинг заҳридан,
Соч тўқилар, қанотидан пар кетар.

Дунё зандир, кўп ўйнашли эри бор,
Бир ўпичда этинг, қонинг сўрадир,
Ўлгандан сўнг шоҳу гадо барибир,
Бунда ҳар ким олганин қўяр кетар.

Одам ўғли ёлғончининг ёлғонин
Чин санабди эгри боқиб қулганин,
Ғам чекма, эй дунё, ҳар ким олганин –
Қарз молинг, боз қайтариб берар кетар.

Махтумқули, кучли билан талапшынг,
Хайрниң қүйиб, шарр ишларга улашынг,
Яхши-әмөн сүзим күпдир қулишынг,
Буким, ҳар ким билганини дер кетар.

ДАЛОЛАТ ЯХШИ

Асло одамзодга аччиқ сүз айтшынг,
Фақирға-мискинға далолат яхши.
Бахилға йүлиқшынг, очиқ юз берманғ,
Испин битирмоққа кифоят яхши.

Етимни күрганда кулар юз бергил,
Құлдан келса унға таом-туз бергил,
Бир ғамли күрганда шириң сүз бергил,
Мұхтаржының құллашын ҳимоят яхши.

Йигит улдир – сүзға айласа амал,
Құлдан келмас ишін қылмаса жадал,
Аллохнинг амриға қылмагил бадал,
Бекка – берим, шохға – адолат яхши.

Гариблиқ бир дарлайдыр – одам үлдирмас,
Үлдирмаса тириклиқда қулдирмас,
Ит ҳам орыклигин құрт⁷⁷та билдирмас,
Ллабатта, душманға сиёсат яхши.

Махтумқули, шукур, шириң тил берди,
Дараҳтлар құкариб, самар ғул берди,

Гүрүғли Райҳонга⁷⁸ нечук ёлборди?
“Омондир” деганга диёнаг яхши.

ҚИЙЛУ ҚОЛ БҮЛАР

Ҳар кишининг икки бўлса аёли,
Кеча-кундуз эси қийлу қол⁷⁹ бўлар.
Ҳар бирининг бордир юз минг хаёли,
Бир кун келиб, кўрдиги не ҳол бўлар.

Бирин суйиб, бирин айласа почор,
Элга расво бўлиб, ўз айбин очар.
Ақли ҳайрон бўлиб баридан кечар.
Тенг тутмаса ёрин бекамол бўлар.

Гоҳи булбул каби сайрап тиллари,
Томошадан ҳазар қиласар эллари,
Тинмай жанжал билан утар кунлари
Эрин кўриб қолса, тилсиз-лол бўлар.

Жаҳли чиқиб келмас бўлса ёнига,
Сўз айтмаса хар бирининг шаънига,
Бундай эр қўшилмас одам сонига,
Икки хотин, бир эр – уч “аёл” бўлар.

Махтумқули, кимса билмас ботинни,
Уйлансангиз қараб олинг зотини,
Эгам кўрсатмасин ёмон хотинни,
Одам ўзин билмас хомхаёл бўлар.

Араб Райҳон, “Гүрүғли” достонидаги образ
Дейилди-деди

АНГЛАМАС

Ноасла беклил етса бир кунда,
Олар овин, солар қушин англамас.
Ёрлиги юриган мурватсиз беклар,
Фақирларнинг кўзда ёшин англамас.

Доно бошлар тўғри йўлга чин билан,
Оқил йигит сўз бошламас “мен” билан,
Номард улдири – кенгаш айлар зан билан,
Мард йигитлар зан кенгашин англамас.

Мардан гилак этсанг айтар: “Хўп бўлар”,
Бир баҳшиш⁸⁰дан етмиш бало даф бўлар,
Муханин⁸¹ кенгапи уйда кўп бўлар,
Душман кўрса, тутар ишин англамас.

Ҳак йўлида ҳар ким хайр-эҳсон қиласар,
Қиёмат кун бир ўрнига ўн келар,
Номард душман кўрса гуссадан ӯлар,
Мард йигитлар тўргин, бешин англамас.

Махтумқули бек ёнида тил бошлар,
Қиличи, гайрати бўлган эл бошлар,
Мардан бўлган йигин кўрса йўл бошлар,
Номард ўғли тенгин-тўшин англамас.

⁸⁰ Садака

⁸¹ Гермофрадит

АНГЛАМАС

Ноаслга беклик етса бир кунда,
Олар овин, солар қушин англамас.
Ёрлиги юриган мурватсиз беклар,
Факирларнинг кўзда ёшин англамас.

Доно бошлар тўғри йўлга чин билан,
Оқил йигит сўз бошламас “мен” билан,
Номард улдир – кенгаш айлар зан билан,
Мард йигитлар зан кенгапшин англамас.

Мардан гилак этсанг айттар: “Хўи бўлар”,
Бир баҳшиш⁸⁰дан етмиш бало даф бўлар,
Муханин⁸¹ кенгапни уйда қўп бўлар,
Душман кўрса, тутар ишин англамас.

Ҳақ йўлида ҳар ким хайр-эҳсон қиласар,
Қиёмат кун бир ўрнига ўн келар,
Номард душман кўрса ғуссадан ўлар,
Мард йигитлар тўргин, бешин англамас.

Махтумқули бек ёнида тил бошлар,
Қиличи, ғайрати бўлган эл бошлар,
Мардан бўлган йигин кўрса йўл бошлар,
Номард ўғли тенгин-тўшин англамас.

⁸⁰ Садака

⁸¹ Гермофрадиг

КҮРИНГ

Ҳар йигитнинг аслин билай десангиз,
Маъракада ўтириб-туришин кўринг.
Бирор билан ошно бўлай десангиз
Аввал ваъдасида туришин кўринг.

Узоқ йўлга бориб келар бўлсангиз,
Мардлик қиличини чалар бўлсангиз,
Бир бедовни сайлаб олар бўлсангиз,
Сийнасин, сагрисин керишин кўринг.

Бир пул тушса бир ифлоснинг қўлига,
Қўксин очиб кезар қипшнинг елига,
Харидор бўлсангиз қизга, келинга,
Адабин, икромин, ўтиришин кўринг.

Мард йигитнинг от-яроғи шай бўлса,
Етишар ҳар ерда ҳайда-хай бўлса,
Ўзи Ҳотам бўлиб, яна бой бўлса,
Чор тарафдан меҳмон келишин кўринг.

Бир нечани қилдинг моли-бисёри,
Бир нечани қилдинг бир пулнинг зори,
Яхши-ёмон, барча одамнинг бари,
Навбат билан ўтиб боришин кўринг.

Тангри безор эрур закотсиз бойдан,
Зинҳор сиз ҳам қочинг ул келар жойдан,
Мардга ҳар иш тушса қўрар Ҳудойдан,
Номарднинг ҳамроҳдан кўришин кўринг.

Номард юрар мудом ўлимдан қочиб,
Үйига келганды захрини сочиб,
Мард йигит ўлимга сийнасин очиб,
Майдонда зүр саваш қуришин кўринг.

Золимлар унутар зикри Аллоҳни,
Арzon олиб, қиммат сотар ғаллани,
Судхўр ноинсофлар ҳалол тиллони,
Ҳаром фойдасига беришин кўринг.

Шайтон малъун ҳаргиз тоат эттирмас,
Ҳаромдан қайтармас, ҳалол юттирмас,
Намозга ииқитмас, рўза туттирмас,
Лаънати шайтоннинг талашин кўринг.

Мард йигитнинг иши суҳбат соз бўлар,
Кўнгли қиши бўлмайин доим ёз бўлар,
Яхшининг кўнглида гина оз бўлар,
Ёмоннинг кунда бир урушин кўринг.

Қадрдоң қардошдан узок, таш бўлиб,
Қадрсиз ёт билан қариндош бўлиб,
Махтумқули, носозларга дуч бўлиб,
Хўжанинг, сайднинг юришин кўринг.

ЙИГЛАРМАН

Эй, ёронлар, бу умрим
Үтди дебон йигларман.
Кетди ақлим үрнидан
Чошли дебон йигларман.

Кеттан келмас йүлидан,
Қайтмас ёмон феълидан,
Диёнат халқ дилидан
Учди дебон йигларман.

Хозир бизнинг замонда,
Ёмон сұзлар забонда,
Зулм ишлар жаңоңда
Жүшіди дебон йигларман.

Бу айёмда балкорлар,
Юз тил билан алдарлар,
Қани неча дилдорлар?
Кечди дебон йигларман.

Неча содда тенг-түшлар,
Шайтон билигин бошилар,
Юз ўғириб қардошлар
Қочди дебон йигларман.

Күринг фалакнинг уйнин,
Узар оламнинг буйнин,
Не жононлар ер қўйнин
Қучди дебон йигларман.

Махгумқули дер мардга:
Дунё бандир, тан парда,
Бир бошим сонсиз ларлга
Тушди дебон йигларман.

БОШЛАДИ

Кўмилди дарёлар, йиқилди тоглар,
Етимлар кўз ёшин тўка бошлади.
Фоҳишадан бўлган ҳаромхўр беклар,
Юртии бир бошидан йиқа бошлади.

Жамоатсиз аzon бир қуруқ сасдир,
Неча мулла ўқиган илм абаслир,
Қозиларнинг кори чой билан носдир,
Бир бузук нишона тута бошлади.

Эшонлари ҳар эшикда топилар,
Муллаларга йўқ мактovлар ёғилар,
“Авлиёман” деган лули сўфилар,
Осмонга қичқириб бука⁸² бошлади.

Чиқар биёбонга қизи, келини,
Оқ юзига ёпар қора телини⁸³,
Камчинлик айлаюб йиққан пулини,
Безатиб ўзига тақа бошлади.

Дунёда судхўрнинг пул йигмоқ дарди,
Бойларнинг моллари безакот эрли,

⁸² Ьўкмоқ - югурмоқ

⁸³ Тел - соч

Тавба қилинг, күзим бир ёмон күрди,
Бегунох, бир-бирин йиқа бошлади.

Махтумқули, бошға боғлаб саллалар,
Оч бўридек йўртиб⁸⁴ неча муллалар,
Ҳалолдан, ҳаромдан йигиб ғаллалар
Не тоңса ҳалқумга тиқа бошлади.

ОЙ-КУНИНГИЗ БОТМОҚҚА

Олтмиш ёшли, етмиш ёшли сўфилар,
Оз қолибди ой-кунингиз ботмоққа.
Чўл ичида този кўрмас тулкилар
Тайёр ётган шерга ҳамла этмоққа.

Қарга айтар: “Йўқдир мендек бир шаҳбоз”,
Минг қарға йигилса, бўлолмас бир боз⁸⁵,
Офтобни қарғаган ул сариқ калипоз⁸⁶
Дам чекади аждаҳони ютмоққа.

Оқсоқ кийик юз тўрсиқни еттирмас,
Шер боласи юз тулкига оттирмас,
Ўлик илон юз калпозга юттирмас,
Ақл керак бу ишларга етмоққа.

Етмиш ёшда ёд этмаслар тавбани,
Хуррам бўлиб ўйнайдилар қаҳбани,
Мункирлар жам бўлиб йиқди Каъбани,
Язид⁸⁷ кетди оғочларин сотмоққа.

йўртиб - йўрғалаб
оз - лочин
алпоза - эчкемар

Боқинг бу айёмни, кўринг гардишни,
Фақирга зулм этмак бўлди варзини,
Ҳақ йўлида тўғри юрган дарвешни
Кўймадилар ўз ҳолига ётмоққа.

Юрагим сабрдан, кетди қарордан,
Ёмон ишилр кек сақласа эр - эрдан,
Безорга келибман бундай диёрдан,
Мажбур бўлдим бопним олиб кетмоққа.

Махтумқули айтар, баҳтим беваждир,
Насибим, тақдирим, иқболим қаждир,
Ниятим Каъбадир, хаёлим ҳаждир,
Ихлосим бор ҳаж тавофин этмоққа.

ЭҲСОН ҚАЙСИ БИЛИНМАС

Дардим кўпидир диёримдан, давримдан,
Хайр қайси, эҳсон қайси билинмас.
Золимларнинг жафосидан, жабридан,
Ислом қайси, имон қайси билинмас.

Сұхбатида ҳақ каломин сўйлар йўқ,
Мажлисида бир насиҳат айлар йўқ,
Ҳалол қайси, ҳаром қайси сайлар йўқ,
Фойда қайси, зиён қайси билинмас.

Ҳалқда кўролмаслик бор-у, кўрим йўқ,
Бойларида хасислик бор, берим йўқ,

⁸⁷ Язид ибн Муовия, Ҳусайнни ибн Алини улдиртирган халифа.

Хотин-қизда ҳаё, иффат, шарм йўқ,
Адаб қайси, аркон қайси билинmas.

Кишининг молига кўзин тикарлар,
Таассуф-ла дилга кина битарлар,
Бир-бирини ноҳақ ҳалок этарлар,
Мурват қайси, омон қайси билинmas.

Махтумқули, жон меҳмондир, гавда лоп,
Яхшига дўст кўп, ёмон бўлсанг йўқ қардони,
Бу айёмда бош – оёқлир, оёқ – бош,
Яхши қайси, ёмон қайси билинmas.

ҚОЧА БОШЛАДИ

Энди билдим замонанинг озганин,
Ёмонлар яхшидан қоча бошлади.
Қайта бад асллар асилзодадан
Писанд қилмай тўрга ўта бошлади.

Риё бўлди кўплар қилган намози,
Ташри ҳеч биридан бўлмади рози,
Пайгамбар ўрнида ўтирган қози
Пора учун қўлин оча бошлади.

Шоҳларда қолмади ҳукми адолат,
Бир пул учун муфти берар ривоят,
Бил, бу ишлар – нипонайи қиёмат,
Золимлар бетаюба ўта бошлади.

Долдохлар турибон, юзин сарғайтиб,
Ким тұрасин топиб, рангин қизартиб,
Золимлар мазлумга сиртнің қабартиб,
Қамчисидан қонлар соча бошлади.

Мужтаҳил сұзига амал бўлмади,
Муноғиқлар Яратғани билмади,
Сўфилар нирдан таълим олмади,
Дунё учун диндан кеча бошлади.

Бир пора сўфийлар “сўфийман” леяр,
Сўрамай золимлар таомин еяр,
“Бизни яхши киши десинлар”- леяр,
Ҳар эшикда ҳалқа қура бошлади.

Қарига айланди биз кўрган ёшлар,
Оёққа ўралди биз кўрган бошлар,
Бемахал юқ боғлаб эмди қардошлар,
Охират азмига кўча бошлади.

Оқил бўлган ғамда юрагин эзиб,
Дардининг дармонин сўроқлаб кезиб,
Замонанинг фасод бўлганин сезиб,
Фанийдан боқийга кўча бошлади.

Не асл бекларнинг иавбати ўтди,
Қайта ҳаром-ҳариншларга сўз етди,
Дунёда ким қолиб, муродга етди,
Муҳаббат чироғи учча бошлади.

Қози бўлган бир жавобда турмади,
Тунда меҳнат тортиб, китоб кўрмади,

Шариат йўлида тўғри юрмади,
Нафс учун имонсиз ўта бошлади.

Махтумқули айтар, борҳо йўл тани,
Беш кун синаш учун юборди сани,
Сендан бурун ўтган жононлар қани?
Ҳар ким навбатида ўта бошлади.

ДОҒ-У ҲАСРАТДИН НИШОН

Тоиди шуҳрат халқ ичиңда бу жаҳолатдин нишон,
Қолди дарвешлар тилинда доду ҳасратдин нишон,
Қолмади мазлумларга дасту нусратдин нишон,
Сарба-сар тўлди жаҳонга бу бад оғатдин нишон,
Тегди олам аҳлига юз минг хижолатдин нишон,
Эр биларлар кимда бўлса ул шароратдин нишон,
Ёдга солмас хайр ишини тоғпан залолатдин нишон,
На муруватдан асар бор, на адолатдин нишон,
Шак тугалдир, дўстларим, келди қиёматдин нишон.

Ҳар киши бидъатга ботир, ониким эр билдилар,
Маҳшара мункир бўлиб, йўқ дунёни бор билдилар,
Шарръ ишин бад англабон, хуб ишини бад кор билдилар,
Ростларин хоин билиб, хоинларин ёр билдилар,
Томеъга қонеъ дебон, қонеъларни зор билдилар,
Ким шариат аҳли бўлса, ҳажв этиб хор билдилар,
Мункирин муршид билиб, ёлғонни иқрор билдилар,
Гумроҳни “тақво” санаб, тақвони инкор билдилар,
Шак тугалдир, дўстларим, келди қиёматдин нишон.

Хурмат аҳли бўлди ул кимнинг қўлинида созидир,
Ким Калом ўқиса халқ ёнида, хар овозидир,
Вирдлари дарвениларнинг хилватда халқ анбозидир,
Ўртада қизу жувон, дерсанки тўйдир, бозидир,
Сакрашпар қиз-у келин устингга гўё тозидир,
Ҳақ ишиндан бехабар халқ ичра баъзи қозидир,
Таъбиси жиндир анинг, ҳаққонки, шайтон ўзири,
Улки дўзахга тушар, хар ким бу ишга розидир,
Шак тугалдир, дўстларим, келди қиёматдин нишон.

Ташри, пайғамбар сўзидан бехабарлир бу пирлар,
Фосиқни қози билиб, ноибни султон дерлар,
Ҳар кини аввал келиб кўрсаки, ришват берарлар,
Боғлабон бўхтон или фақр ахлига тақсиirlар,
Салла боғлаб бошига оч бўри сўфий-пирлар,
Айлабон халқ устига кўп ҳийлаи тазвирлар,
Гар ҳалолу, гар ҳаром тоиса тиқарлар-сярлар,
Рўзи маҳшар Ҳак, расулга не жавобин берарлар,
Шак тугалдир, дўстларим, келди қиёматдин нишон..

Эрса кўр, Махтумқули, сўз бирла дарлинг ҳар замон,
Не учун золимга навбат берди бу давру замон,
Онинг чун кўз кўргандан – эшигтгандан ўтди ғумон,
Айлабон бир-бирига даъвои ботилни ҳамон,
Бир шоҳилик мол учун таҳқиқ, берар қўлдан имон,
Ўзини эр санаса ким, ортиқ иш этса ёмон,
Бу кўнгил юз шавқ этар ноҳақ учун тўкмоқقا қон,
Кучи етса мушукнинг қоплонига ҳеч бермас омон,
Шак тугалдир, дўстларим, келди қиёматдин нишон.



БҮЛМАСА

Мард йигитнинг номи чиқмас
Давлати, моли бўлмаса.
Линдишали иш биткармас
Майдонда доли бўлмаса.

Бўлмаса йигит зурёди
Ўлганда туғилмас оти,
Туташимас сийнанинг ўти,
Бошда хаёли бўлмаса.

Олмас қушлар овга чопмас,
Хунарсиз сийратин ёпмас,
Маъракада ўрин топмас
Ақли-камоли бўлмаса.

Қўимоқ тоза юртда яхши,
Холи тўшак тўрда яхши,
Ул йигитлар іўрда яхши
Боши гавғоли бўлмаса.

Махтумқули, бўлса бошли,
Уялмас қиличли, ошли,
Дузли⁸⁸ зўр, дунимани кучли,
Дўсти вафоли бўлмаса.



ТОПИЛМАСА

Тұқ талашар сабза хилъат⁸⁹ киймоққа,
Яктак ғұзал нарса түн топилмаса.
Оч тиришар қаттиқ ноңни емоққа,
Иши мушкул әрүр үн топилмаса.

Хосил умиди бор әкін әкканға,
Бу ишлар маълумдир меңнат чекканға,
Оәқяланғ боса билмас тиканға
Найласин киярга күн топилмаса.

Ақлсизлар иш охирин қарамас,
Қовоқ чигитидан тарвуз тұрамас,
Нафис мажлисларға чүпон ярамас,
Найласин айтарға жум⁹⁰ топилмаса.

Йигитликда ҳар ким ишратда яйрар,
Бошига ё келар, ё келмас қўйлар,
Тиіссизлар ноң топса чорасин айлар,
Мушкуллар еярга ноң топилмаса.

Махтумқули суймас жадални, жантиси,
Охират азм этди кўп дўсти, тенги,
Дунёда не иш бор – бўлмаган сўнити,
Машқатдир танда жон топилмаса.



⁸⁹ Яшил кийим

⁹⁰ жумла

БҮЛАР

Мұхаммад уммати молсиз бўлмасин,
Молсиз бўлса, ёру дўстинг ёт бўлар.
Қочар оға-ининг, бўлмас хотиринг,
Қувонар душманинг, дўстинг мот бўлар.

Ғариб оёқяланг, бўйра тўшакдир,
Маъракага борса ўрни ушоқдир⁹¹,
Ғарилар от миниб юрса эшакдир,
Давлатлилар эшак минса от бўлар.

Бир тилак тиласанг муҳиминг битмас,
Дўстинг ихлос билан марҳамат этмас,
Маъракада айтган сўзинг жой тутмас,
Тингламаслар, қурук сўзинг бод бўлар.

Кураш бир обрў, уруш бир қасдидир,
Кишини камситган – ўзи нокасдир,
Бир мўминига ғийбат этмак абасдир,
Ғийбаткашнинг қозонгани ўт бўлар.

Махтумқули, шукур айла Худога,
Ўлим баробардир шоҳу гадога,
Бесабр қул тез йўлиқар балога,
Сабрли қул тура-тура шод бўлар.



БҮЛМАСА

Замона шундайдыр – күзга илмаслар,
Хар йигитнинг құлда бори бүлмаса,
Із туманлик сүзинг бирга олмаслар
Хар кипининг эътибори бүлмаса.

Тан бир тор қафасдыр, жон бир ваҳшийдир,
Тилга келган сұзлар құнгил нақшидир,
Қайноқ сувли тамуғ андан яхшидир,
Хар ўлканинг бир бозори бүлмаса.

Бекзодалар қолди чүпон қаҳрига,
Тан қачон чидабди илон захрига?
Обод шахар дүнар Лутнинг шахрига,
Хар ўлканинг ҳоким эри бүлмаса.

Дунёда англардан англамас күплир,
Билмас бир балодир, билганилар хүпидир,
Ул одам бир тилли ҳайвондек гапдир,
Сұз уқмаса ҳам икрори бүлмаса.

Йититта йүқсиллик ёмон балодир,
Сүзини тенг-түшдан айро солодир,
Ёмон қилиқ дүстү душман қилодир,
Қуриб кетсин әл даркори бүлмаса.

Ҳак ҳар кимга яхши ёр бермагандир,
Сұзи фигон, ичи тұла армондир,
Із яшаб, бені кун умр күрмагандир,
Хар кимнинг муносиб ёри бүлмаса.

Махтумқули, Ҳаққа топшир ўзингни,
Ҳар номардга сарғайтирма юзингни,
Ҳар кимсага айтаверма сўзингни,
Нега керак харидори бўлмаса?

ҚИШ БЎЛАР

Эшит насиҳатим, шудир йигитлар,
Ёмон хотин яхши ёрга қиш бўлар,
Мудом оҳ чекарсан, зеҳнинг тунд этар,
Кундузги хаёлинг кеча тушибўлар.

Бир юмуш буюрсанг қовогин осар,
Уйма-уй юради, этагини босар,
Тўрва тўкиш учун қирқ кун иш эшар,
Хуржун бошлар, олти ойлик иш бўлар.

Манглайи бир қарич, бўлсин от юзли,
Товусқуш сиймоли, уятчан кўзли,
Мулокотли, ширин тилли, хуш сўзли
Бундай пари оз йигитга дуч келар.

Бедовда бедов бор, оларлар зарга,
Бедов бордир, туриб бермас эгарга,
Бедовда бедов бор, олинмас харга,
Чин бедов йигитга узок ёш бўлар.

Айтар Махтумқули: сўзим оламдир,
Насиҳатим улуғ әлга илмдир,
Олгир шунқор, лочин овда маълумдир,
Қарға, ҳакка, чумчук – бари қуш бўлар.

ЯХШИДИР

Одам ўғли бу дунёдан ўтпунча
От билан обрўни олган яхшидир.
Намозшомнинг соясида ётгунча
Бургут панжасида қолган яхшидир.

Бенамоз қўлидан таом ичмангиз,
Исталмаган ерда гуфтор очмангиз,
Номард кўпригидан ҳаргиз кечмангиз,
Гарк бўлиб дарёла қолган яхшидир.

Отарнинг кўркидир моялар, нарлар,
Элимнинг қуввати мардона эрлар,
Ёлғончи - Таигрининг душмани дерлар,
Аммо ўз ўрнида ёлғон яхшидир.

Махтумқули, деяр сўзим тоғ ошмас,
Номард одам йўлдошига қараашмас,
Мотам бўлган ерда кулмоқ яраашмас,
Тўйнинг мажлисида кулган яхшидир.

СЎЗИ ЎТАР ЖОНИНГДАН

Тенгсиз билан тенг айласанг ўзингни,
Дард бўлибон сўзи ўтар жонингдан.
Йирок бўлма қадринг билган қардошдан,
Ҳар им тугсанг ул қувонар ёнишгдан.

Жаҳл отида елдирмагин шайтонни,
Нафсга миниб, унугмагин Раҳмонни,
Фарқлай олгин яхши билан ёмонни,
Ҳар бир сўзга тўлиб-тошма қонингдан.

Сабринг бўлса Тангри етар додингга,
Жанжалкашлик лойиқ эмас отингга,
Олма ёмон сўзни ҳаргиз ёдингга,
Тикан бўлиб тешиб чиқар тўнингдан.

Барча бўлган ишлар Ҳақнинг ишилир,
Унга тан бермаган аҳмоқ кишиидир,
Бир ёмон сўз жонга илон тишиидир,
Суқса заҳри осон чиқмас танингдан.

Махтумқули, ёлғончиидир бу жаҳон,
Мастда ақл бўлмас, кофирида имон,
Ўрни келса чумолидай паст душмон,
Айиради арслондек шаънингдан.

ҚОЛМАС

Ихлос билан бир комилга қўл берган
Етгар бир манзилга, етмайин қолмас.
Дарё ичра сузган, чўлларда юрган
Дам ҳисобин тугал этмайин қолмас.

Чунки келдинг бу ёлғончи жаҳонга,
Оёққа қарамай боқдинг осмонга,
Фалак бозорида бир бурда нонга,
Одам ўғли умрин сотмайин қолмас.

Ҳамроҳим йўқ бориб сирим очарға,
Дарлим тўхтатарга, ўт ўчирапга,
Дунё бир манзилдир келиб-кетарга,
Бу манзилга келган кетмайин қолмас.

Фалак томошабир... ер сари боқар,
Рдамзот мол учун юрагин ёқар,
Дунё аждахоси домига тортар,
Жумла-жонлор тухмин ютмайин қолмас.

Махтумкули, бу дунёниг давлатин
Келган қўрар-чекар ўлим меҳнатин,
Мудом юритарлар ажал шарбатин
Бу шарбатдан ҳеч ким тотмайин қолмас.

БИЗНИ

Бир томчилик сув айлаб аввал атода бизни,
Сурат айлаб жон бердинг сўнгра анода бизни,
Хушвақт айлаб кездирдинг дорулфандада бизни,
Ҳар ишга майил этдинг нафсиҳавода бизни,
Ким биларки найларсан дорулбақода бизни.

Гоҳ дунёталаб бўлиб югуарман, еларман,
Гоҳ йиглаб ўз ҳолимга, гоҳ шўх бўлиб куларман,
Мен бир ожиз баидаман, сенга арзим қиласман,
Худоё қимла расво, карамингдан тиларман,
Бу дунёву у дунё қўйма, уятда бизни.

Осий бўлиб юарсан кўп кула-кула бу дам,
Азоб чекиб ётарсан ернинг остида бир дам.
Йигларсан ёлгиз қолсанг, ким сенга бўлар ҳамдам?
Ер сенга айтар буни: “Эшиит, эй, ғофил одам!”
Қўймаслар хуш кезмоққа ёлгон дунёда бизни.

Тұтсалар қил күпrikда, турмаса аңда дорбон,
Сұралған вақт хайру шарр, ҳисобласа Ҳисобдон,
Мұйыннан хүш вәъдаадир “васақохум шаробан”,
Деса ул вақт коғирлар: “Ё, лайтани туробан”,
Ё, раб, ул күн дугға айлаб, отмагин үтта бизни.

Хақнинг йўлида нирсиз мұяссар жамол ўлмас,
Жамол истаган ошик кўрмайин висол ўлмас,
Ошиқликнинг балосин чекмаган камол ўлмас,
Висолга тўймоқ ўлмас, хижронда малол ўлмас,
Ўртама ишқ үтига бундан зиёда бизни.

Кел, кўнгил, сабр айлагил, бунчалик үтта тушма,
Оз билиб, кўп сўзлабон гам чашмасини ичма,
Бетоб ўлиб тўкарман кўз ёшим чашма-чашма,
Яхши-ёмон ишнимнинг ҳеч бирига коришма,
Гуноҳим гузашт айлаб, еткур муродга бизни!

Махтумқули, бенаво, бечора андалибе,
Бир парча гам даврони, бўлмиш анинг насиби,
Иигилса қилмас чора анга даҳр табиби,
Ҳар мажлисда сухбатда шод айланг биз ғариби,
Эй, ёронлар, ёд этинг хайру дуода бизни.



САНАР

Тоғлар ернинг михидир,
Тепа ўзин төғ санар.
Майна ўзин “булбул” дер
Чумчук ўзин зөғ санар.

Камлик айла – камол бор,
Манлик килма – завол бор,
Ҳар бошда бир хаёл бор.
Қул ўзин бийик⁹² санар.

Кучидан, қувватидан,
Дунёнинг навбатидан,
Ҳар киши иззатидан
Ноасл ўзин бек санар.

Нодондирман, билманам,
Камина бир қул манам,
Сирка айтар: “Бол менам”,
Нафт ўзини ёғ санар.

Хабар олсанг бирордан,
Ўзин кам тутмас девдан,
Ўз ёнида бедовдан
Эшак ўзин эг⁹³ санар.

Дард чекканлар дард билар,
Номард ўзин мард билар,

⁹² бийик - улуг

⁹³ эг - яхши

Тулки ўзин гург⁹⁴ билар,
Кучук ўзин ит санар.

Махтумқули бир қулдир,
Қуллигига қойилдир,
Аҳмок ўзин оқил дер,
Тентак ўзин сог санар.



⁹⁴ Гург - бўри

МУНДАРИЖА

Ўзбекнинг "туркман шоири"	2
Бир инга улашибди	3
Элдан уялмок	4
Учдим, ёронлар	5
Боди сабони кўрсам	6
Қумли чикибдир	7
"Турғил" дедилар	8
Садо бўллим	12
Багрим тилганим	13
Қўрдингми?	14
Нимасан?	16
Бу дардни	17
Қони ёй	18
Ҳар ёнга	19
Ёр бизим сари	20
Қолибман	22
Ўғлим – Озодим	23
Қолмас-ей	26
Холимга менинг	27
Икки ҳилолон	28
Бир қўриб кетса	29
Берма фалакка	30
Найларам	31
Уйлангин	32
Кулоҳли келди	33
Қон чиқар	34
Сад жон, эй, дўст	35
Тўгриси	36
Бирёна бўлдим эмди	36
Дарл ўлди	37

Буулутга қорди мени	38
Етишдим	39
Бу ишни.....	41
Түкиб боради.....	42
Йиғлаб үтар ҳолимта.....	43
Мубтало қилди.....	44
Құзламасдан бўларму?.....	45
Отамнинг	46
От истарман	48
Ройгон айлади	49
Бўлдим гирёна.....	50
Оlamга белгилидир	52
Шифо бер	53
Шоҳи қаландар	54
Етишиди солим	55
Нелар кўринар?	57
Бу не тархис – таваллодир.....	58
Севмишам сени.....	59
Гулга менгзар	61
Таш қолди.....	62
Боин бўлманг	63
Зўр бўлар	65
Элни кўзлар	67
Сел билан.....	68
Қадрин на билсин	69
Рафторидир	70
Туман пайдо.....	71
Оги керак	73
Тоизмассан	74
Қиммат яхшидир	75
Кетувчи бўлма	76
Йиқмаган эрдан	81

Боши керактир	82
Майдон учраса	84
Тепа надир, туз надир	85
Гул бүлгил	86
Ёмғир ёндири, Раҳмоним	87
Дұнар	88
Келгай	89
Арши аълоя	91
Човдурхон учун	92
Дедилар	93
Молга қарамас	94
Ер керактир	95
Мол яхни	96
Юрап бўлди	97
Бўларсан	98
Охиrzамона	99
Бўлмайди	102
Тўн бўлса	103
Оғ ёнида билинар	104
Шол топса	105
Иш бўлмас	106
Кетар	107
Далолат яхни	108
Қийлу қол бўлар	109
Англамас	110
Кўринг	111
Ийғларман	113
Бошлиди	114
Ой-кунингиз ботмоққа	115
Эҳсон қайси билинимас	116
Қоча бошлиди	117
Доғ-у ҳасратдин нишон	119

Бұлмаса.....	121
Топилмаса	122
Бұлар.....	123
Бұлмаса.....	124
Қиши бұлар	125
Яхшидир	126
Сүзи үтар жонингдан	126
Қолмас.....	127
Бизни.....	128
Санар.....	130

АНДЫРЫЛУ
 АСТАРДА
 АЗИЯДА
 АСТАРДА

Астанадағы 1997-жылдың 1-май күнінен бастап
 мемлекеттік Астана ғарыш аэропортынан төмөнкілік аэропорт
 Астана ғарыш аэропортінен өзінің 1-май күнінен
 бастап 1997-жылдың 1-май күнінде Астана ғарыш аэропортінен
 төмөнкілік аэропорттан тоғызып көрсетілген "Астана"
 мемлекеттік аэропортінен төмөнкілік аэропорт

Астанадағы 1997-жылдың 1-май күнінен
 бастап 1997-жылдың 1-май күнінде Астана ғарыш аэропортінен

МАХТУМҚУЛИ

**БОДИ САБОНИ
КҮРСАМ**

ШЕЙРЛАР, ГАЗАЛЛАР, МУХАММАСЛАР

ТУРКМАН ТИЛИДАН МУҲАММАД АЗИМ ТАРЖИМАСИ

МУҲАРРИР:

И. СУБҲОНИЙ

ТЕХНИК МУҲАРРИР:

Р. ШАРИПОВА

МУСЛАҲХИХ:

Н. ҚИЛИЧЕВ

СЛҲИФЛОВЧИ:

А. ҚАЛАНДАРОВ

Наширёт лицензияси A-1 № 115 30.09. 2008. Оригинал --
макетдан босишига рухсат этилди 25.04.2014. Бичими
60x84. Кегли 16 шпонли. «Palatino Linotype» гарн. Офсет босма
усулида босилди. Офсет көнози. Босма табори 8,5. Адади 500.
Буюргма №1078. Бухоро Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Бухоро” наширёти: Бухоро шаҳри, И. Мўминов
кўчаси, 27. Баҳоси келипшилган нархда.

“Ёкуб Довул” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, Мустакиллик кўчаси, 27-үй

МАХТУМҚУЛИ

**БОДИ САБОНИ
КҮРСАМ**

ШЕЬРЛАР, ГАЗАЛЛАР, МУХАММАСЛАР

ТУРКМАН ТИЛИДАН МУҲАММАД АЗИМ ТАРЖИМАСИ

МУҲАРРИР:
ТЕХНИК МУҲАРРИР:
МУСАЛҲИҲ;
СЛҲИФЛОВЧИ:

И. СУБҲОНӢ
Р. ШАРИПОВА
Н. КИЛИЧЕВ
А. КАЛАНДАРОВ

Нашириёт лицензияси A-1 № 115 30.09. 2008. Оригинал --
макетдан босилишга рухсат этилди 25.04.2014. Бичими
60x84. Кегли 16 шпонли. «Palatino Linotype» гарн. Офсет босма
усулида босилди. Офсет когози. Босма табоги 8,5. Адади 500.
Буюргма №1078. Бухоро Матбуот ва ахборот бошқармаси
“Бухоро” нашириёти: Бухоро шаҳри, И. Мўминов
кучаси, 27. Баҳоси келипшилган нархда.

“Ёкуб Довул” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, Мустакиллик кӯчаси, 27-йй



SMZ